O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 17-fevral, chorshanba № 13 (8246) ISSN 2010-6416

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Ҳунар тагида ҳунар бор

Ўзбек халқ мақоли

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 февраль куни Оқсаройда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) президенти Харухико Куродани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон кўплаб нуфузли халқаро молия муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилаётганини, айниқса, ОТБ билан алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади.

ОТБ Ўзбекистоннинг кўп йиллик ва ишончли шериги сифатида мутахассисларимиз иштирокида иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларини қамраб олган мамлакатимиз билан ҳамкорлик стратегиясини изчил ишлаб чиқмоқда ва амалга оширмоқда. ОТБнинг жорий йил май ойи бошида Тошкент шаҳрида ўтадиган 43-йиллик мажлиси мазкур нуфузли халқаро молия муассасасининг Марказий Осиё минтақасидаги биринчи форуми бўлади. Бу Ўзбекистондаги такомиллашиб бораётган иқтисодий ислоҳотлар модели самарадорлиги халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганидан далолатдир.

Мамлакатимиз 1995 йилда ОТБнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Ўтган даврда транспорт инфратузилмаси, энергетика, қишлоқ хўжалиги, таълим тизими, кичик бизнес ва бошқа кўплаб соҳаларни ривожлантириш бўйича стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган умумий қиймати 1,2 миллиард АҚШ долларидан ортиқ кредит ресурслари муваффақият билан ўзлаштирилди. Бугун Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган халқаро молия институтлари орасида тақдим этилган кредитлар ҳажми бўйича ОТБ етакчи ўринда туради.

Оқсаройдаги учрашувда Харухико Курода самимий қабул учун мамлакатимиз Президентига миннатдорлик билдириб, ОТБ Ўзбекистон билан иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ниятида эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

БИЛИМ, ЯНГИЛИК ВА ТАЖРИБА

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танлови иштирокчиларининг асосий мақсади бўлди

"Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг айрим фанлар бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ҳамон давом этмоқда. Хусусан, пойтахтимиздаги 110-мактабда математика фанидан республика босқичида иштирок этувчи энг яхши ўқитувчини аниқлаш синовлари қизғин руҳда ўтаяпти.

— Танловнинг шаҳар босқичида туманларда ғолибликни қўлга киритган 12 нафар иштирокчи ўз билим ва маҳоратларини синаб кўришаяпти, — дейди ТШХТББ математика-информатика бўлими методисти Нодира Шомансурова. — Мактабда ўқитувчиларнинг дарс ўтишлари, амалий машғулотлар ва танловнинг бошқа қатор шартларини кўнгилдагидек бажаришлари учун барча шарт-шароит яратилган. Бу эса иштирокчиларнинг кайфиятини кўтариб, танловнинг мазмунли ўтишини таъминламоқда.

Ҳозирга қадар танловнинг бир нечта шартлари бўйича ўқитувчилар маҳорати синовдан ўтказилди. Хусусан, Юнусобод туманидаги 235-мактаб ўқитувчиси Доно Тожибоеванинг 6-синфда ўтган "Бутун сонларни қўшиш", Учтепа туманидаги 228-мактаб ўқитувчиси Замира Собировaнинг 9-синфда ўтган "Тригонометрик айниятлар" мавзуларидаги намунавий дарслари ҳакамлар ҳайъати ва ўқувчилар қизиқишига сабаб бўлган бўлса, қолган иштирокчилар ҳам қатор шартлар бўйича танловнинг муносиб иштирокчиси эканликларини кўрсатишмоқда.

Натижалар эса олдинда. Чунки ушбу фан бўйича танлов ҳали тугагани йўқ.

Суратларда: танлов жараёни акс этган.
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Kuzatuv

унинг шаклланиши шахсда бунёдкорлик руҳини тарбиялайди

Яқинда кечки вақтда, айни пайтда қизғин давом этаётган қишки олимпиаданинг Ванкувер шаҳрида бўлган очилиш тантаналарини телевизорда кўриб ўтирар эканман, мактабгача ёшдаги фарзандларим ўзлари билан ўзлари машғул эди. Дастлаб ўғлим телевизорга қараб, "Дада, нима қиласиз шу негрларни, бошқасига қўйинг-чи", дея эътибор қаратди. Бу пайтда олимпиада иштирокчилари бўлган давлатлар вакиллари бир-бир саҳнага чиқиб келаётган, экранда Африка давлатларидан бирининг спортчилари пайдо бўлган эди.

Мен ушбу мусобақаларда ҳамюртларимиз ҳам қатнашишларидан бохабар эдим, шу боис "ҳозир Ўзбекистон чиқади" дедим. Бу гапни пойлаб турган эканми, ҳар бир эшитган гапини яна бир марта тасдиқлатиб оладиган одатига кўра, кичкина қизим гап қўшди: "Дадув, Ўзбекистон чиқадими?". Ундан сўнг ўғлим яна сўради: "Ҳозир, шунда чиқадими?". "Ҳа, ҳозир чиқади" дедим. "Агар Ўзбекистон чиқса, мен байроғимизни танийман" дея ишонч билан таъкидлади ўғлим ва ёнимга келиб ўтирди. Шу тарзда бутун оила телевизор қаршисига "михланиб", юртимиз вакилларининг чиқишларини кута бошладик.

Фарзандларимга зимдан разм солар эканман, уларни энг асосий машғулоти — қизғин ўйин жараёнидан чалғита олган дахлдорлик туйғуси ҳақида ўйладим. Ҳа, уларни экран қаршисига, Ўзбекистон номини эшитишга чорлаган туйғу — дахлдорлик туйғуси эди. Уларнинг мурғак тасаввурида Ватан, юрт тушунчаси ҳали тўлақонли шаклланмагандир эҳтимол, лекин Ўзбекистон деган табаррук ном улар учун қадрдонлиги, дахлдорлиги кўзларидан кўриниб турарди.

Ўйлаб қаралса, бу туйғу ҳеч биримизга бегона эмас, ҳар биримизнинг хаёлимизда, ҳаётимизда, истакларимизда ва хатти-ҳаракатларимизда намоён бўлиб туради. Оддий мисол, халқаро беллашувларда вакилларимизнинг ғалаба қозонишини, юртимиз байроғи баланд кўтарилишини қайси биримиз интиқиб кутмаймиз? Аслида, шу интиқлигимиз замирида ҳам юртга дахлдорлик туйғуси мужассамлигини ҳис қилиб, ҳатто, қаники, мана шу дахлдорлик туйғуси, дейлик, футбол бўйича мамлакатимиз терма жамоасининг халқаро ўйинини кузатаётганда ғалаба иштиёқида ёнганимизчалик, юртимизга таалluқли ҳар бир масалада ҳам ялпи, умум руҳ касб этса, дея беихтиёр орзу қилади киши.

(Давоми 3-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

MATEMATIKADA MUSTAQIL ISHLARNI TASHKIL ETISH 6-бет

ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА КИРИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА УЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ЙЎРИҚНОМА 7-бет

КОРРЕКЦИОН ТАЪЛИМ

эшитишида нуқсони бўлган бола билан қандай иш олиб борилади? 10-бет

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР МАКТАБИ ИШ БОШЛАДИ

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Ёшлик" соғломлаштириш мажмуасида ёш тадбиркорлар мактаби ўз фаолиятини бошлади. "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг ушбу лойиҳаси тадбиркорлик соҳасига эндигина кириб келаётган иқтидорли йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Ўн етти ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган иқтидорли ёшларни қамраб олган ушбу мактаб машғулотлари "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ва бошқа ташкилотлар кўмагида ўтказилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг таълим, илм-фан, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда истеъдодини намоён этишига яқиндан кўмаклашиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 27 январда қабул қилинган "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлашда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастури ана шундай тадбирларнинг биридир. У илғор ғоя ва ташаббуслар устида изланаётган ёшларни аниқлаш, уларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш, билими, малака ва маҳоратини ошириш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда тадбиркорлик бўйича маслаҳат марказларини ташкил этиш каби амалий чора-тадбирлардан иборатдир.

Лойиҳа доирасида ёш тадбиркорлар учун ҳар уч ойда ўқув мактаблари ташкил этилади. Жорий йилдаги қишки мактабда иштирок этиш учун ўтказилган танловда икки юз нафардан ортиқ йигит-қиздан ўттиз нафар энг иқтидорли ёш танлаб олинди. Бир ҳафта давом этадиган ўқув машғулотлари жараёнида тингловчилар учун иқтисодчи олимлар, молия соҳасининг етакчи мутахассислари, экспертлар иштирокида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш, бизнес психологияси, профессионал малака ва кўникмани ривожлантириш, бизнес-режани амалиётга татбиқ этиш бўйича назарий ва амалий машғулотлар олиб борилади.

— Ёш тадбиркорларнинг қишки мактабида ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги лойиҳам билан иштирок этаяпман, — дейди Тошкент кимё технологиялари институти талабаси Турсунхўжа Юнусхўжаев. — Ушбу лойиҳа тадбиркорлик фаолиятига оид сайтларни яратиш, уларни янада ривожлантиришга яқиндан ёрдам кўрсатиш, бу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш, дизайни, маълумотларини бойитишга хизмат қилади. Ёш тадбиркорлар мактабининг ўқув машғулотларида иштирок этиш, билимларимизни бойитиш, таниқли олимлар, мутахассислар, тенгдошларимиз билан амалий мулоқот ўрнатиш имконини беради.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ҲУНАР КЎККА ЕТКАЗАР

"Таълим муассасаларида касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш" мавзусида Мирзо Улуғбек туманидаги 27- ҳамда 209-мактабларда "Очиқ эшиклар куни" ўтказилди. Илм масканлари фойеларида касб-ҳунарга ихтисослаштирилган тўгараклар фаолиятига оид кўргазмалар ташкил этилди. Касб-ҳунар коллежларидан ташриф буюрган ўқитувчилар, ота-оналар дастлаб ана шу тўгараклар билан танишдилар. Шундан сўнг тадбир давра суҳбати тарзида давом эттирилди ва унда касб танлаш, ҳунар ўрганишнинг афзалликлари мавзуларида атрофлича фикр алмашилди. Иштирокчилар таълим муассасалари ўқитувчиларининг очиқ дарсларини ҳам кузатдилар.

— "Очиқ эшиклар куни"га ташриф буюрганлар илм масканимизда касб-ҳунарга йўналтириш бўйича амалга оширилган ишлар билан танишди, — дейди 209-мактаб директори Жанна Герасимовна Пак. — Бундай тадбирлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг келажакда ўзига муносиб касбни танлашида жуда аҳамиятли.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ

Суратларда: тумандаги 27-мактабда бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар.

КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ

Бухоро вилояти Қоракўл туманида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда халқ таълими туман бўлими ҳамкорлигида "Камолот зукколари — комиллик сари" номли кўрик-танлови ўтказилди.

Мамлакатимиз ёшларининг комил ва баркамол, миллий ғоямизга содиқ, ватанпарвар, ижтимоий фаол ва меҳнатсевар бўлиб вояга етишида "Камолот" ЁИҲнинг ўрни беқиёс. Ушбу ташкилот атрофида бирлашган ҳар бир ўғил-қиз эркин ва мустақил ҳолда ўзининг ташаббускорлигини, истеъдоди ва билимини намоён қилиш имкониятига эга бўлади. 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши ёшлар ҳаракатининг янада жадаллашишига туртки бўлди.

"Камолот" ЁИҲ Қоракўл туман бўлими "Камалак" болалар ташкилоти, халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган "Камолот зукколари — комиллик сари" 52 та мактабнинг фаол ёшлари иштирок этди.

Кўрик-танлов икки босқичдан иборат бўлиб, илк босқичда бешта йўналишдаги шартлар бўйича мактаблардан келган сардорлар беллашишди.

Таништирув, "Камолот викторинаси", "Сардорлар ва етакчининг мактабдаги бир куни", "Энг намунали кўргазма" ва "Ҳакамлар синови" шартлари бўйича сардорларнинг нотиқ, билимдонлик, теран фикрлилик ҳамда етакчилик қобилиятлари синовдан ўтказилди.

Кўрик-танлов асносида мактаб ўқувчиларининг янгидан-янги ғоялари ва ташаббуслари юзага чиқди. Бу, айниқса, 30-, 46-, 24-сон мактаб сардорларининг фикрларида яққол намоён бўлди. Улар ўзликни англаш ва миллий ғурур тушунчалари она Ватанимиз тарихини билишдан бошланишини ҳамда яшаб турган жойларининг тарихи, анъаналари, қадриятлари ҳақида батафсил маълумотлар беришди.

"Камолот зукколари" кўрик-танловининг иккинчи босқичи туман миқёсида ташкил қилиниб, ҳудудий босқичда рақибларидан ўзиб кетган ва финал босқичига қадар етиб келган 5-, 38-, 46-, 47-, 24-, 26-мактаб жамоалари ғолиблик учун кураш олиб боришди. Танловда 47-мактаб жамоаси ғолиб деб топилди. Барча гуруҳ аъзолари "Камолот" ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамда туман халқ таълими бўлими томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бу дўстлик учрашувидан ҳеч ким норизо кетмади. Аксинча, уларнинг чеҳраларидаги қувонч, шодлик табассуми, орттирилган янги дўстларнинг хушчақчақ кулгилари барчанинг ёдида қоладиган бўлди. Илму зиёнинг сарчашмасидан қонишга ошиққан нигоҳлардаги иштиёқ учқуни бундай тадбирларнинг бундан-да кўпроқ ўтказилишига ишорадир.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Туркистон-пресс"

ЎҚУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ

Бола дунёга келгач, жамиятнинг бир бўлагига айланади. У — кичик инсон, тарбияси тўғри йўналтирилиб, қўллаб-қувватланса, келажакда етук шахс бўлиб етишади. Демак, унга гўдаклигиданоқ шахс сифатида қараш зарур!

Тўрткўл туманидаги болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган ўқув-семинар ана шу масалага бағишланди. «Бола шахсига йўналтирилган таълим» деб номланган семинар машғулотлари Халқ таълими вазирлиги томонидан ЮНИСЕФ халқаро болалар жамғармаси кўмагида ташкил этилди. Унда тумандаги барча МТМдан илғор тарбиячилар қатнашиб, «Болалар фаолиятини кузатиш ва баҳо бериб бориш», «Ўйин орқали таълим бериш», «Кашф қилиш ва тажриба ўтказиш орқали ўрганиш», «МТМ, оила ва жамият ўртасидаги ҳамкорлик» каби мавзуларда билим ва кўникма олдилар.

— Беш кун давом этган тадбир орқали тарбиянинг замонавий усуллари, соҳадаги янгиликлар билан танишибгина қолмай, тажриба ҳам алмашдик, — дейди 1-МТМ тарбиячиси Нигора Абубакирова.

Ташкил этилган ўқув семинари тарбиячиларнинг касбий салоҳиятини ошириб, педагогик жараёнга янгича ёндашувларни тақдим этди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА

Tadbir

МАЪНАВИЙ МЕРОС КАМОЛОТГА ЧОРЛАЙДИ

Республикамизнинг турли ҳудудларида бўлгани каби пойтахтимиздаги мактабларда ҳам навоийхонлик ва бобурхонлик кечалари давом эттирилди. Ана шу тадбирларнинг якуни сифатида Яккасарой туманидаги 91-мактабда ТШХТББ ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда ёш педагоглар мактаби аъзолари иштирокида "Бобур маънавий меросининг инсон камолотидаги аҳамияти" мавзусида адабий-бадиий тадбир ўтказилди. Дастлаб тумандаги 48-мактаб ўқувчилари томонидан Навоий ва Бобур ижоди асосида тайёрланган саҳна кўриниши намойиш этилди. Ўқувчилар саҳна асари орқали икки буюк мутафаккир сиймосини гавдалантириб, томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар. Шундан сўнг ташриф буюрган меҳмонлар Бобур шахсияти ва унинг ижоди ҳақида ўқитувчию ўқувчиларга қизиқарли маълумотларни айтиб ўтдилар.

— Бой маънавий меросини ўрганишимиз керак бўлган аждодларимиз кўпчиликни ташкил этади, — дейди Халқ таълими вазирлиги маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи У.Эгамбердиев. — Ана шундай боболаримиздан бири бўлган Бобур мирзо ижодини ёш авлодга мактаб партасиданоқ ўргатиб бориш, асарларини тадқиқ этиш катта масъулият талаб этади. Бунинг учун эса ёшларимизда барча имкониятлар етарли.

Тадбир сўнгида шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан тадбирда фаол иштирок этган мактаб жамоаларига фахрий ёрлиқ топширилди.

Гулнора ИРГАШЕВА,
Яккасарой тумани ХТБ методика кабинети мудири

Bu tuyg'u vayronkor kuchni jilovlab, kishini bunyodkorlikka, o'ziga daxldor deb bilgan atrofdagi har bir narsani avaylab-asrashga, yangilanishlarga hissa qo'shishga, alaloqibat yurtni obod qilishga undaydi.

ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

унинг шаклланиши шахсда бунёдкорлик руҳини тарбиялайди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Дахлдорлик сўзи тилимизда қўлланилишига кўра, бирор нарсага бевосита алоқаси, боғлиқлиги бўлган, алоқадор, тааллуқли маъноларида келади. Аксинча, дахл қилмоқ — шахсга тааллуқли нарсага хавф туғдирмоқ, ҳамла, тажовуз қилмоқ, тегмоқ маъноларида қўлланилади.

Демак, ҳар биримиз фуқаро сифатида ўзимиз макон тутган, яшаб турган, аждодларимиз яшаган ва авлодларимиз яшайдиган шу азиз юртга, унинг ҳар бир ютуқ ва муваффақиятига, ташвиш ва муаммоларига бевосита алоқадорлигимизни, унга кимдир дахл қилишига йўл қўймаслик учун бурчли эканимизни чуқур англаб етишимиз лозим.

Дахлдорлик туйғуси халқимизга қадим-қадимдан бегона эмас. Бунинг амалий исботини кўплаб мисолларда кўриш мумкин. Мана, давлатимизнинг юксак эътибори билан юртимизнинг деярли барча ҳудудларида, айниқса, қишлоқларимизда бунёд этилган янги-янги мактабларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Ушбу мактаблар қурилиши жараёнида қурувчиларга ҳали иссиқ овқат, ҳали тансиқ таом кўтариб келаётган нуроний отахону онахонларнинг қиммати замирида ҳам мана шу дахлдорлик туйғуси жамулжам, десак, адашмаган бўламиз.

Тўғри, қурувчилар ҳолидан хабар олаётган бу кишилар мактабни аллақачонлар битириб кетган, "Э-э, бизга бундай мактаблар қаёқда эди" дея армон билан эслайди, лекин бу мактаб барибир уларга дахлдор. Чунки, бу ерда фарзанди ўқийди, набиралари ўқийди, қишлоқдошларининг, маҳалладошларининг болалари ўқийди. Мана, дахлдорлик туйғуси нима.

Хўш, барчамиз учун бобомерос бўлган бу туйғу бугун қалбимиздан қанчалик жой олиб улгурган? Юртимиз ривожи, унда кечаётган ислоҳотлар учун ҳар биримиз бевосита дахлдор эканлигимизни нечоғлик ҳис қиламиз? Ён-атрофда содир бўлаётган воқеалар ва ўзгаришларда ҳар биримизнинг иштирокимиз қандай? "Бу менинг ишим эмас" қабилида бепарволикка йўл қўйиб, шунчаки кузатувчи бўлиб қолаётганлар йўқми орамизда?

Бугун ҳаётимизга дадил кириб келаётган ёшларимиз, ҳар бир соҳада ўз сўзини айтаётган, нималарга қодирлигини кўрсатаётган юртдошларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурланса арзийди, албатта. Лекин, афсуски, кундалик ҳаётимизда учраб турадиган баъзи воқеалар халқимизнинг гуруч курмаксиз бўлмаслиги ҳақидаги доно нақлини эслатиб туради.

"Кулол ва хумча" фильмида бир лавҳа бор. Икки нодон киши кулолнинг бир арава кўзасини сотиб олади ва кулол сал узоқлашиши билан кўзани кўзага кўзлаб, синдириб ўйнай бошлашади. Ортига қараб харидорларининг қилиғини кўрган кулол ҳаллослаб чопиб келади ва ярмигина омон қолган кўзаларни бағрига босади.

"Биз буларни сендан сотиб олганмиз, сенга пул тўлаганмиз, ҳа, энди кўзаларни нима қилсак бизнинг ишимиз", дейди харидорлар. Шу заҳотиёқ кулол пулларни қўйнидан чиқариб беради: "Ма, пулинг бошингдан қолсин". Чунки, кулол бу кўзаларни сотгани билан, барибир, бу кўзалар унга дахлдор эди. У заҳмат чекиб ясаган кўзалари одамларнинг корига яраши-ни, одамлар унинг ишидан завқланишини истайди, асло уриб синдирилишини эмас.

Афсуски, "кўзани синдириб завқланадиган"лар фақат кинода эмас, ҳаётда ҳам учраб туради. Баъзан қанчадан-қанча маблағ сарфлаб бунёд этилган гўзал ва замонавий мактабларимизнинг деворларида, синф парталари ва жиҳозларда ўқувчилар томонидан чизилган "безак"ларни кўриб қоламиз. Бу ҳолат мактаб, аслида ўзининг мулкига нисбатан ўша ўқувчиларда дахлдорлик туйғуси шаклланмаганлигидан далолат бермайдими?

Бундай хунук ҳолатларни кўркам шаҳарларимизда узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилиб юрган шинам ва замонавий автобусларнинг ёки сўлим хиёбонларимизнинг ўриндиқларида ҳам кўриб ичингиз ачишади.

Ёхуд, яна бир мисол. Сангзор воҳасидаги тарихий дара — Илонўттини биласиз. Бу ердан ҳар гал ўтар эканман, неча-неча асрларга гувоҳ бўлиб келаётган тошларга қинғир-қийшиқ ёзилган турфа исмларни осонликча ўчириш мушкуллиги ҳақида ўйлайман. Қизиқ, шунча қийинчилик билан тошларга тирмашиб чиқиб, бўёқ топиб, тоғнинг қўл етмас жойида ўз исмини "тарихга муҳрламоқчи" бўлган киши, дейлик, нима учун ўз исми-шарифини уйининг нақшинкор дарвозасига осонгина ёзиб қўя қолмайди? Айниқса, ўз уйида бу исмда биргина киши бўлса, Илонўттидан эса унинг сон мингта адаши ўтиши мумкин. Шундай экан, унинг тошга исмини ёзганидан не мантиқ ва нима наф?

Демак, пул сарфлаб дарвоза қурганини, ўз уйи ўзига тегишли эканини биладию, ўз юрти, унинг ҳар бир тоғу тоши ҳам унга дахлдор эканлиги ҳақида ўйламайди. Илонўтти унинг учун гўзал, лекин бегона жой. Бегонами, демак, авайлаш шарт эмас, бемалол таҳқирлаш мумкин. Афсуски, бундай одамлар ўз халқи, ўз Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди.

Ўз навбатида, меҳнат жамоасида ҳам шундай. Бу менинг раҳбарим, бу менинг ҳамкасбим, бу менинг жамоам, деган нуқтаи назар билан қараш, хизмат вазифасини ўз уйининг ишидек бажариш, жамоага дахлдорлик туйғуси билан ёндашиш жамоанинг ютуқларини кўпайтирса кўпайтирадики, асло камайтирмайди. Ютуқларнинг кўпайиши, ўз навбатида, моддий манфаатдорликни оширишга хизмат қилади. Ишга соядек келиб кетадиган, биров иш буюриб қолмаса бўлди, қабилида кунни кеч қиладиган ходимлар дахлдорлик туйғусини ҳис қилишига ишониш қийин.

Дахлдорликдан ўринли фойдаланишга ҳам аҳамият бериш керак, назаримизда. Баъзан мактабларда кимё ёки физика лаборатория хоналари эшикларига осилган каттагина қулфга кўзимиз тушади. Бу ўша фан ўқитувчисининг ўта эҳтиёткорлиги оқибати, албатта. Лаборатория ускуналаридан ўқувчилар фойдаланса гўё синдириб ё бузиб қўйишлари мумкин. Ўзи ҳам қандай фойдаланишни билмайди. Эҳтиёт бўлгани яхши, у бу нарсалар учун жавобгар. Лекин, аслида бу жиҳозлар ўқувчилар, уларнинг билимини чуқурлаштириш учун дахлдорлигини унга ким тушунтиради?

Ҳар нечук, одамда бунёдкор ва вайронкор куч бўлиши рост экан. Синф хонасидаги, ўриндиқлардаги, тошлардаги бемаъни ёзувлар мана шу вайронкор кучнинг оқибати эканини инобатга оладиган бўлсак, унга қарши энг мақбул чора сифатида ҳар бир болада, ҳар бир шахсда дахлдорлик туйғусини шакллантириш ниҳоятда зарурлиги аён бўлади. Бу туйғу вайронкор кучни жиловлаб, кишини бунёдкорликка, ўзига дахлдор деб билган атрофдаги ҳар бир нарсани авайлаб-асрашга, янгиланишларга ҳисса қўшишга, алалоқибат юртни обод қилишга ундайди.

Болаларда бу туйғуни шакллантиришга интилар эканмиз, фикримизча, бу жараёнда кўзга кўриниб турган энг реал мисоллардан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, дастлаб, бу менинг оилам, деган туйғу бола онгига ўрнашади. Кейинчалик инсон умри мобайнида ҳам энг яшовчан туйғу шу бўлса керак. Сўнгра, бу бизнинг кўчамиз, унинг озодалиги, кўркамлиги бизнинг ҳам яхши кайфиятда бўлишимизга, обрўйимизга ижобий таъсир қилади, деган тўғри тушунча болани юрган йўлини ифлос қилмасликка, йўл четларидаги дарахт шохларини синдирмасликка, аксинча кўча ҳуснини бузиб турган ташландиқ ахлатларни йўл-йўлакай тозалаб, чанқаган ниҳолга сув қуйишга ундайди.

Бу менинг маҳаллам ёки қишлоғим, деган дахлдорлик туйғуси ҳам болада шу каби ижобий кўникмаларни пайдо қилади. Ўз уйига, маҳалласига меҳр қўйган, унга дахлдорлигини ҳис қилган бола юрт корига ярайдиган чинакам бунёдкор ва ватанпарвар шахс бўлиб улғайиши, шубҳасиз.

Дахлдорлик туйғуси ҳақида сўз юритилар экан, Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида бу хусусда билдирилган ғоятда долзарб фикрларни келтириб ўтиш зарур.

"Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим."

Демак, мамлакат тақдирига бепарво бўлмаслик, унда юз бераётган ҳар бир воқеадан огоҳ ва бохабар бўлиб туриш, жараёнда бевосита иштирок этиш Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусидан келиб чиқади. Энг муҳими, қалбларимизда дахлдорлик туйғусининг мавжудлиги ҳар биримизни юксак тушунчалар — бунёдкорлик ва ватанпарварлик сари бошлай олса, муродимиз ҳосили шу.

Икром БЎРИБОЕВ

☑ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ХТБ ТАСАРРУФИДА АЙРИМ ФАНЛАР ЧУҚУРЛАШТИРИБ ЎҚИТИЛАДИГАН БИР НЕЧТА МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАР МАВЖУД.

Шулардан бири собиқ "Олимпия захиралари" мактаби базасида ташкил этилган 4-сон давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати бўлиб, бу билим даргоҳи ўзига хос обрўга эга.

Мактаб-интернатда вилоятнинг барча туманлари, шунингдек, қўшни вилоятлардан келган 600 нафар ўқувчи таҳсил олади. Уларнинг мукаммал билим олишлари учун барча шароитлар етарли. 600 ўринли ётоқхона, ошхона, барча керакли анжомлар билан жиҳозланган спорт зали, фан кабинетлари, лаборатория хоналари, ахборот-ресурс маркази, интернет тармоғига уланган компьютер хонаси ўқувчилар ихтиёрида.

Мактаб-интернатда фан номзоди З.Ҳотамов бошчилигидаги 50 нафардан ортиқ ўқитувчи ва тарбиячилар жамоаси болаларга ўзларининг қайноқ меҳрлари ила таълим-тарбия бериб келмоқда. Президентимиз томонидан "Баркамол авлод йили" деб номланган 2010 йил мактаб-интернат жамоаси ва ўқувчилари учун янги хурсандчиликлар билан бошланди. Мактаб-интернатимиз кимёбиология, математика ва она тили фанларига ихтисослашган бўлса-да, шаҳар миқёсида ўтказилган 2-босқич фан олимпиадасида ҳуқуқ фани бўйича 1-ўрин, рус тили ва адабиёти фани бўйича 3-ўрин ўқувчиларимизга насиб этди. Инглиз тили ва иқтисодий билим асослари, информатика фанлари бўйича ҳам шогирдларимиз мактаб-интернатимиз обрўсини муносиб ҳимоя қилиб, биринчи ўнликдан жой олди.

Дилфуза ИЗБАЕВА,
ўқитувчи

☑ ТОШКЕНТ ТУРИЗМ КОЛЛЕЖИДА ФЕВРАЛЬ — "МУМТОЗ АДАБИЁТ ОЙЛИГИ" ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН МУАССАСАДА НАВОИЙ ВА БОБУР ТАВАЛЛУД КУНИГА КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛДИ.

Икки мумтоз адабиёт вакилининг ижоди ва фаолиятига бағишланган тадбирда илм маскани ўқувчилари ғазал ва рубоийлардан намуналар ўқидилар.

— Миллий маънавиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизга кўрсатилган эҳтиром ўз навбатида ёшларимизда ифтихор туйғусини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди, — дейди коллеж кафедра мудири М.Парпиева. — "Мумтоз адабиёт ойлиги" давомида турли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказишни режалаштирганмиз.

Тадбирда мумтоз қўшиқларнинг коллеж ўқувчилари томонидан ижро этилгани кечага янада ўзгача руҳ бағишлади.

Гулчеҳра ҒАНИЕВА,
ўқитувчи

☑ 14-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ 569 ЙИЛЛИК ТАВАЛЛУД АЙЁМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИНИНГ "2009—2010 ЎҚУВ ЙИЛИ — МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ" ЎҚУВ ЙИЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ РЕЖАСИ АСОСИДА "УМУМИНСОНИЙ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИНИНГ ЎҚУВЧИ ШАХСИДА НАМОЁН БЎЛИШИ" МАВЗУСИДА ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.

"Навоий — ғазал мулкининг султони", "Маънавият — қалбим қуёши", "Соғлом авлоднинг соғлом орзулари" мавзуларида очиқ тарбиявий дарслар бўлиб ўтди.

Беллашув тарзида ўтказилган тадбир давомида А.Тўйчиева, А.Шарипова, А.Эржонова, С.Раимов, Г.Абдулаҳатова, В.Ўринбоев баҳри-байт айтишуви, "7х7" ўйини, "бошқотирма" ечишда фаоллик кўрсатишди. Яна бир гуруҳ ўқувчилар Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонидан саҳна кўринишларини намойиш этишди. Айниқса, халқ лапарлари, жонли ижродаги қўшиқлар улуғ мутафаккир Навоий ижодига бағишланган тадбирга ўзгача кайфият олиб кирди.

Насиба АСАТУЛЛАЕВА,
Юқори Чирчиқ туманидаги 14-мактаб ўқитувчиси



☑ БИЛИМЛАР СИНОВИНИНГ ДАСТЛАБКИ ИККИ БОСҚИЧИДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТГАН ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР АЙНИ КУНЛАРДА УЧИНЧИ БОСҚИЧ ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИГА ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДАЛАР.

Зомин туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактабда ҳам ушбу жараён авж палласида. Фан олимпиадаларининг вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритган беш нафар мактаб ўқувчиси устозлари кўмагида навбатдаги жараёнга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. 9-синф ўқувчиларидан Чарос Тоғаева рус тили, Сардор Маҳмудов математика, Мафтуна Баширова информатика, Шаҳноза Анварова ҳамда Шоҳсанам Абдуҳакимова она тили фанларидан кейинги босқич синовларида ғолиб чиқиш учун бор маҳоратларини ишга солмоқда. Улар махсус тўгаракларда қўшимча адабиётлардан фойдаланиб, олган билимларини амалиётда янада мустаҳкамлаш йўл-йўриқларини малакали устозларидан ўрганиб боришяпти. Шунингдек, тест синовлари, ёзма ишлар, компьютерда турли топшириқларни бажариш амалиётлари қатъий йўлга қўйилган бўлиб, методик қўлланмалар, ахборотномалар, илмий-оммабоп матбуот нашрларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда.

А.СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

☑ ЧИРЧИҚ ШАҲРИДАГИ 7-МАКТАБДА «ФИЗИКА ҚОНУНЛАРИ — ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДА» ДЕБ НОМЛАНГАН ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.

Унда 7—8-синф ўқувчилари иштирок этиб, физика лирика билан уйғунлаша олишига амин бўлдилар.

Физика фани ўқитувчиси Сарагул Узоқберганова олимпиада ғолиби бўлган ўқувчилари билан изланиб, физика ҳодисаларига оид ўзбек мақолларини тўплади. Изланиш бесамар кетмади. Ўттиздан ортиқ мақоллар тадбирнинг мазмунли ўтишига омил бўлди. Шунингдек, тадбирда янграган куй-қўшиқлар ҳам кечага файз киритди.

Ш.АБДУЛЛАЕВА

☑ ТАРИХ САҲИФАЛАРИДА ШОҲ ВА ШОИР, ЕТУК САРКАРДА СИФАТИДА ЎЧМАС ИЗ ҚОЛДИРГАН БУЮК СИЙМОЛАРДАН БИРИ ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 527 ЙИЛЛИГИ АЙНИ КУНДА НАФАҚАТ РЕСПУБЛИКАМИЗ, БАЛКИ ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ ТОМОНИДАН ҲАМ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ташкил этилган тадбир ҳам ана шу қутлуғ санага бағишланди. Назм ва наво кечасига айланиб кетган адабий анжуманга ташриф буюрган адабиётшунос олима Суйима Ғаниева, академик Бахтиёр Назаров ва дорилфунуннинг устоз мураббийлари Бобур ижодининг ўзига хос жиҳатлари, унинг ўзбек ва жаҳон адабиёти тараққиётига қўшган муносиб улуши хусусида атрофлича тўхталиб ўтдилар. Шоир қаламига мансуб ғазалларнинг талабалар томонидан мароқ билан ёд ўқилиши, мумтоз ашулалар ижроси, намойиш этилган саҳна кўринишлари эса кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди.

Шоҳсанам НИЁЗОВА



А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институтида республикамизнинг турли ҳудудларидан келган мактаб раҳбарлари ўз тажрибаларини ўртоқлашиб, янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш бўйича малакаларини ошириб бормоқдалар.

— "Ёш директорлар" гуруҳи тингловчилари тажрибали ўқитувчи Р.Тошимовдан таълимнинг янги-янги усуллари бўйича дарс ўтиш сирларини ўрганиш билан бирга замонавий мактабни бошқаришда раҳбарга қўйиладиган талабларни ҳам ўзлаштириб бормоқдамиз, — дейди Оқолтин туманидаги 12-мактаб директори Ғулом Равшанов. — Курс давомида ўрганганларимизни қайтиб боргандан сўнг ҳамкасбларимиз, ёш мутахассислар билан ўртоқлашамиз, таълим муассасаларимизда татбиқ этамиз.

Суратларда: "Ёш директорлар" гуруҳида янги педагогик технология асосида навбатдаги машғулот олиб борилмоқда.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

☑ КЎҲНА НАВОЛАР ТАРАЛМОҚДА. САҲНАДА ЎҚУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН «ВАТАН СОҒИНЧИ» ДЕЯ НОМЛАНГАН КЎРИНИШ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА.

Муаллима зимдан атрофига назар ташлайди: қайсидир ўқувчининг киприклари намланган, яна бирининг ўйчан нигоҳлари ўз-ўзига савол бераётганини англатиб туради. Орқадаги ўриндиқда ўтирган йигит эса чуқур уҳ тортиб қўяди... Бу ҳолат ўқитувчига қандайдир таскин беради, кўнглини хотиржам қилади; демак, бу тадбир юракларда яна бир эзгулик учқунини уйғота олди.

Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Энергетика касб-ҳунар коллежида уюштирилган «Олис мозийдан таралган зиё» мавзусидаги тадбир бугун республикамиз миқёсида адабиёт ва шеърият байрамига айланиб, улуғ зотлар хотирасига эъзозимизни намоён этаётган анжуманлардан бири бўлди. Тадбирга ташриф буюрган Низомий номидаги ТДПУ профессорлари Ҳамиджон Ҳамидов ва Ҳасанбой Жамолхоновлар ўз чиқишларида неча асрки, назм бўстонини нурафшон этиб келаётган беназир қалам соҳиби Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди, ҳаёти ва фаолияти, улар яратган дурдона асарларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти хусусида атрофлича фикр юритишди. Коллеж ўқувчилари томонидан улар қаламига мансуб ғазаллар ёд ўқилди, сўзлари билан айтилувчи қўшиқлар ижро этилди.

— Эътиборли жиҳати, тадбирга ҳозирликлар давомида Ахборот-ресурс маркази ташаббуси билан ўқувчиларимиз кўргазмалар тайёрлашди, — дейди илм масканининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Солия Тожибоева. — Шунингдек, иншолар танлови ўтказилиб, чиқишларнинг рус, инглиз, ўзбек тилларида бўлишига эътибор қаратилди.

О.МУРОДУЛЛАЕВА

☑ МИЛЛИЙ РУҲДА БЕЗАТИЛГАН САҲНА. БИР ТОМОНДА ХОНАТЛАС ОСИҒЛИҚ. БИР ТОМОНДА КАШТАЛАР БОҒЛИҚ. РЎМОЛ ЎРАГАН ҚИЗЛАР, ҚЎЛЛАРИДА ШАМ, ИБО БИЛАН САҲНАГА ЧИҚИБ, ШАМЛАРНИ ЁҚДИЛАР.

Алишер Навоийнинг 569, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 527 йиллигига бағишланган «Аждодларга муносиб авлод бўлайлик» мавзусидаги тадбир кечаси ТТЕСИ қошидаги академик лицейда ҳам ўтказилди.

Кечани лицей директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Малика Абдураҳмонова очиб берди. Бошловчининг: «Ёниб турган шамларга қаранг. У эримоқда, ёнмоқда, лекин кечамизни ёритиб турибди. Мана, қанча асрлар ўтган бўлса-да, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур боболаримиз ўчмас шам мисоли ўзининг ёруғ асарлари билан шеърият мухлислари онгу шуурини ёритиб турибди», деган сўзларидан кейин баҳру байт учун саҳнада қизлар мушоираси бошланди. Уларнинг бири Навоий ғазалларидан, бири Бобур рубоийларидан айтишди. Сўнг «Парвона» қўшиғига рақсга тушишди. Ойбекнинг «Навоий» романидан қўйилган парча барчага бирдай ёқди. Баҳс-мунозара, куй-қўшиқ билан ўтган кечада, айниқса, Дилрабо Норқулова, Дилноза Отажонованинг иштироки барчага маъқул бўлди.

Ҳулкар РАЖАБОВА

☑ МАҲАЛЛА, МАКТАБ, ОИЛАНИ ЯХЛИТ ОРГАНИЗМГА МЕНГЗАШ МУМКИН. УЛАРНИНГ МАҚСАДУ МАСЛАГИ, МУДДАОСИ БИТТА: ОИЛАДА ДУНЁГА КЕЛГАН БОЛАНИ МАҲАЛЛА ВА МАКТАБ ҚЎМАГИДА ЕТУК ШАХС ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ ЛОЗИМ.

Чилонзор туманидаги 183-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган «Очиқ дарслар куни»да мавжуд 18та синфнинг барчаси иштирок этиб, ушбу ҳудуддаги маҳалла фаоллари ҳамда ота-оналар таклиф этилди. Устозлар томонидан уюштирилган очиқ тарбиявий соатларда янги педагогик технологиялардан, компьютер ва мультимедиа воситаларидан фойдаланилди.

«Маънан юксаклик — баркамоллик шарти» шиори остида ўтказилган бу дарсларда ўзликни англаш, маънавиятни шакллантириш, маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги, ғоявий бўшлиқ ва унинг зарарли оқибатлари, мафкуравий иммунитетни шакллантирувчи мезонлар, таълим-тарбиянинг узвийлиги каби масалаларга асосий эътибор қаратилди. Ҳудуддаги кўплаб маҳаллаларнинг маслаҳатчилари ҳамда ота-оналар хулосасига кўра, Г.Эгамбердиева, М.Аҳмедова, Д.Саидова, П.Норова, Р.Асомиддинова каби ўқитувчиларнинг дарслари аъло даражада ўтилди. Очиқ дарслардан сўнг барча синф раҳбарлари томонидан «Аждодлар меросини ўрганамиз», «Меҳнат роҳат келтирар», «Касбим — фахрим» мавзуларида синф соатлари ўтказилди. Мактабдаги тўгарак машғулотлари ҳам очиқ дарсларнинг мақсад-вазифалари билан уйғунлашиб кетди.

МУХБИРИМИЗ.

— Tanlov ishtirokchilari faoliyati bilan tanishib, muallimlarimizning bundan uch-to'rt yil oldingi qatnashchilardan ancha bilimli, salohiyatli ekanligini ko'rdik.

БИЛИМ, ЯНГИЛИК ВА ТАЖРИБА

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танлови иштирокчиларининг асосий мақсади бўлди

ҲИКМАТЛАРДАН САБОҚ ЧИҚАРДИК

Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларида ижодкорлик, сўзга масъуллик, жўшқинлик кучли бўлгани боис, ҳар бир кўрик-танловда уларнинг иштироки алоҳида кўзга ташланади. Ҳароратли шеър ва ғазаллар, баҳсу мунозаралар 45 дақиқа қандай ўтиб кетганини билдирмай, ўқувчи ҳамда ҳайъат аъзоларини «сеҳрлаб» қўяди. Чилонзор туманидаги 101-мактабда бўлиб ўтган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2010» кўрик-танловида ТШХТББ методистлари, ТШПКҚТМОИ ўқитувчилари кўрик-танловнинг аввалги йиллардаги ғолиблари ана шундай мазмунли дарсларни кузатиб, ўқитувчилар педагогик маҳоратини юқори баҳолашди.

— «Кеча ва кундуз» романининг бадиий сюжети», «Бадиий тасвир воситаларини ўрганиш жараёнида ўқувчиларни мустақил ва эркин фикрлашга ўргатиш», «Бобурнинг бадиий нутқ маҳорати» мавзусидаги ижодий ишларда муаллифларнинг чуқур билими, изланишлари ўз ифодасини топганидан қувондик, — дейди ТШПКҚТМОИ катта ўқитувчиси, ҳайъат аъзоси Феруза Муҳаммедова.

«Ёйиқ атов ва сўз гаплар», «Маҳбубулқулуб»даги ҳикматли сўзлар»га бағишланган дарслар ҳам илғор педагогик технология ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтилгани барчада қизиқиш уйғотди. Ўқувчилар ҳикматлардан сабоқ чиқариб, Навоий руҳини шод этишга, бу ўгитларга амал қилишга сўз бердилар.

«Менинг концепциям» шарти бўйича Саноат Қурбонова (289-мактаб), Гулнора Авезова (110-мактаб) ўз ижодкорлигини намоён этган бўлса, ижодий иш, дарс ўтиш маҳорати бўйича Гулноз Нурматова (288-мактаб) энг юқори балл тўплаб, фахрли 1-ўринни эгаллади ва республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА.
Тошкент шаҳри

ТАФАККУР ВА МАҲОРАТ ЧАРХИ

Янгиликка интилувчи, иқтидорли, ўз касбининг ҳақиқий фидойиларини сараловчи бу танлов Андижон вилоятида ҳам авж паллосига кирди. Танловнинг туман (шаҳар) босқичида ғолибликни эгаллаб, сараларнинг сарасига айланган муаллимлар энди вилоят босқичида беллашмоқда.

Танловнинг вилоят босқичини ўтказишдан олдин халқ таълими бошқармасида ғолибликни эгаллаб, кейинги босқичга йўлланма олган муаллимлар, ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва танловни ўтказиш бўйича бошқа масъул шахслар иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Танловнинг ҳаққонийлиги ва ошкоралигини таъминлаш, ҳар бир иштирокчининг салоҳияти, иқтидорини ҳисобга олиш юзасидан танлов ташкилотчилари масъулияти янада оширилди.

— Энг билимдон, иқтидорли, янгилик ярата оладиган муаллимни танлаш учун муносиб ҳакамлар ҳайъати иш кўриши лозим, — дейди ВХТБ методика кабинети методисти Маҳфузахон Қамбарова. — Шу боис, ҳакамлар ҳайъатига «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танловининг аввалги ғолиблари, тажрибалари республика даражасида эътироф этилган муаллимлар киритилди. Ҳакамлар ҳар бир танлов қатнашчисининг билим ва маҳоратини, тажриба ва янгилигини муносиб баҳолаб бормоқда.

Ҳозиргача танловнинг вилоят босқичида она тили ва адабиёт, тарих, бошланғич таълим, иқтисод, инглиз тили, чизмачилик, физика, рус тили ва адабиёти фанлари бўйича баҳслар якунланиб, энг билимдон муаллимлар аниқланди.

— «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танловларида 4 йилдан буён иштирок этиб, бу йил вилоят босқичида ғолибликни эгаллаб, нияятимга эришдим, — дейди танловнинг она тили ва адабиёт фани бўйича ғолиби, Булоқбоши туманидаги 43-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқитувчиси Ёркиной Матғозиева.

Тарих фани бўйича танлов ғолиби — Қўрғонтепа туманидаги 35-мактаб ўқитувчиси Раҳима Пўлатова, бошланғич таълим йўналиши ғолиби — Андижон шаҳридаги 35-ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси Малика Маҳмудова, иқтисод фани йўналиши бўйича ғолиб — Асака шаҳридаги 42-ихтисослаштирилган мактаб муаллими Гулнора Қамбарова танловнинг республика босқичига қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

— Танлов иштирокчилари фаолияти билан танишиб, муаллимларимизнинг бундан уч-тўрт йил олдинги қатнашчилардан анча билимли, салоҳиятли эканлигини кўрдик, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, танловнинг она тили ва адабиёт фани бўйича 2008 йилги республика босқичи ғолиби, Қорасув шаҳридаги 19-ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси Ирода Мамадалиева. — Бу менимча, танловнинг қатъий талаблар асосида ўтказилаётганидан далолат беради. Муаллимлар билим ва маҳоратининг ошиб бориши — таълим тизими ривожининг энг асосий мезонидир.

О.СИДДИҚОВ.
Андижон вилояти

БАҲСЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичи ҳам барча фанлар бўйича қизғин ўтмоқда. Туман ва шаҳар мактабларида ўз касбининг моҳир усталари сифатида эътироф этилганлар — бугун танловнинг вилоят босқичида ўзаро куч синашаяпти. Ўқитувчи қанчалик маҳоратли, билимдон ҳамда меҳнатсевар бўлса, шогирдлари ҳам жамиятимизнинг буюк яратувчилари бўлиб камолга етиши, шубҳасиз. Шу нуқтаи назардан, устоз-муаллимнинг жамиятда тутган мавқеи беқиёс.

— Ҳозиргача танловнинг вилоят босқичида 12та фан бўйича ўқитувчилар ўзаро беллашди, — дейди вилоят ХТБ методика Маркази раҳбари Ҳалим Ражабзода. — Ҳайъат аъзолари билан биргаликда танлов низомига тўла амал қилган ҳолда иштирокчиларнинг тақдим этган ҳужжатларини, ижодий ишлари ва меҳнат фаолиятлари тақдимотларини чуқур таҳлил қилдик. Шунингдек, намунали дарслар ҳам кузатилиб, холис баҳоланди. Булар орасида энг юқори кўрсаткични Кристина Маилова (Бухоро шаҳридаги 37-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси) 92,3 балл, Малоҳат Шарипова (Бухоро шаҳридаги 23-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси) 88,5 балл тўплаб, ҳамкасблари ўртасида ўз маҳоратини намойиш этишди. Шунингдек, танловда қатнашган кўпгина фан ўқитувчиларининг изланиш ҳамда ижодкорлиги, ўз фанининг билимдони эканлиги кўпчиликни қувонтирди.

— Мен танловнинг вилоят босқичида ҳам ғолибликка эришдим, — дейди Ғиждувон туманидаги 51-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Зулфия Собирова. — Бу муваффақият мени бир томондан қувонтирган бўлса, ҳамкасбларимнинг билимдонликлари, маҳорат ва шижоатларини кўриб, ўн чандон қувондим. Биз бир-биримиздан тажрибалар ҳамда замонавий технологияларни ишлатишнинг қулай усулларини ўргандик. Қисқача қилиб айтганда, бу танлов шаҳар ва туманларда ғолибликка эришиб келган ҳамкасбларимиз учун бир тажриба мактаби бўлди.

Ҳа, танловда ғолиб бўлганлар республика босқичига йўлланма олди. Ўз устида изланиш, ўқиш ва ўрганиш эса ғолибларнинг кундалик ишига айланди.

Сора ТОШЕВА.
Бухоро вилояти



«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг математика фани бўйича Тошкент шаҳар босқичи иштирокчиси Учтепа туманидаги 228-мактаб ўқитувчиси Замира СОБИРОВА танлов шартларини бажармоқда.
Б.Ризоқулов олган сурат.

ЖАРҚЎРҒОНЛИК МУАЛЛИМАНИНГ ҚУВОНЧИ

Танловнинг Сурхондарё вилояти босқичида ташаббускор, ижодкор, илғор ва тажрибали ўқитувчилар Низомда белгиланган мезонлар асосида маҳоратларини намойиш этишмоқда.

Туман ва шаҳар босқичида қатнашиб, кўникма ҳамда малака ҳосил қилган муаллимлар, аввало, ҳакамлар ҳайъатига мутахассислиги бўйича тайёрлаб келган ижодий ишларини ҳавола этишди. Улардан дарс ишланмаси, ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид яратган концепцияси ўрин олган. Ҳар бир иштирокчи ўзига хос янгиликларга эга. Амалий машғулот, намунавий дарс, иш тажрибаси тақдимоти жараёнида ҳам ўқитувчиларнинг нималарга қодирлиги кўриниб турибди.

Хусусан, Термиз шаҳридаги 13-мактабда физика фанидан танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Икки кун давомида қизғин кечган баҳслардан сўнг Жарқўрғон туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси Замира Бобонова республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Бу йил танловга янги Низом талаблари асосида тайёргарлик кўрдик. Айниқса, машғулотларга педагогик усуллар асосида ёндашганим қўл келди. Ҳал қилувчи босқичда сурхондарёликлар номидан қатнашиб, вилоят шарафини ҳимоя қилиш учун бор маҳорат ва имкониятларимни ишга соламан, — дейди З.Бобонова.

Вилоятда бошқа фанлардан ҳам кўрик-танловлар давом этаяпти.

Норқувват ТЎРАЕВ.
Сурхондарё вилояти

MATEMATIKADA MUSTAQIL ISHLARNI TASHKIL ETISH

O'quvchilarni faollashtirishning asosiy mezonlaridan biri ularni yangi bilimlar olish uchun mustaqil ishlashga o'rgatishdir. O'quvchi o'qituvchi tushuntirib bergan fikrni tushundi deb faraz qilsak ham, bu fikr o'quvchining xotirasida uning o'ziniki kabi mustahkam saqlanib qolmaydi, o'quvchining o'z fikriga aylanmaydi. Ilgari o'zlashtirilgan bilimlarni yangi o'rganilayotgan o'quv materiali bilan bog'lash jarayonida va o'rganilayotgan mavzu uchun izlanish jarayonida matematikadan mustaqil ishlar tashkil etiladi.

Mavzularni takrorlashda laboratoriya ishlari, amaliy ishlar, test shaklidagi mantiqiy masalalar, matematik diktant, og'zaki mustaqil ishlar, uyda bajariladigan mustaqil ishlar, ekskursiyalar uyushtirish mumkin. Xilma-xillik bola uchun ham, o'qituvchining o'zi uchun ham yoqimli bo'lishini bilasiz.

Mustaqil ishlarni to'g'ri rejalashtirish nafaqat o'quvchilardagi bilim va ko'nikmalarni rivojlantiradi, shuningdek, ularning ijodiy faolligini ham oshirishga xizmat qiladi. Masalan, «Vektorlarni qo'shish» mavzusini o'rganishdan oldin quyidagi matematik diktant ko'rinishidagi mustaqil ish o'tkazish mumkin:

1. Ketma-ket bir xil yo'nalishga ega bo'lmagan $\vec{a}$ va $\vec{в}$ vektorlarni tasvirlang.
2. Tekislikda ixtiyoriy A nuqtani belgilang.
3. A nuqtani akslantiring: B = $\vec{a}$ (A).
4. B nuqtani S nuqtaga akslantiring: S = $\vec{в}$ (B).

Demak, bunda o'quvchilar ketma-ket va bir xil yo'nalishdagi vektorlar tushunchasini esga oladilar, ayni paytda A va B nuqtalarni akslantiradilar.

Kelgusi darsda A nuqtani S nuqtaga akslantirishni, bu esa $\vec{a}$ va $\vec{в}$ vektorlarning yig'indisi $\vec{a}+\vec{в}=\vec{c}$ ekanligini tushunib olishlariga yordam beradi.



O'quvchilarga natural ko'rsatkichli darajalarning xossalarini o'rganishdan oldin test shaklidagi mustaqil ishni bajarish taklif etiladi.

Testlar kadaskop orqali ekranga tushiriladi. Natijani daraja shaklida yozing.

Testlar	Javoblar		
1. 2^5*2^2	A) 2^6;	B) 2^7;	S) 2^3
2. 3^4*3^3	A) 3^7;	B) 3^5;	S) 3^6
3. a^2*a^3	A) a^4;	B) a^5;	S) a^6
4. x^3*x^7	A) x^8;	B) x^{10};	S) x^{21}
5. $y*y^5$	A) y^{10};	B) y^7;	S) y^6

O'quvchilar mustaqil ishni bajarib bo'lgach, kadaskopdan ikkinchi kadrda test javoblarining kaliti beriladi. O'quvchilarga javoblarni tekshirish va xulosa chiqarish tavsiya etiladi.

1	2	3	4	5
B	A	B	B	C

O'quvchilarning ko'pchiligi bir xil asosli darajalarni ko'paytirishda ko'rsatkichlar bir-biriga qo'shiladi, degan xulosaga kelishadi, ya'ni:

1) $a^m * a^n = a^{m+n}$

Mustaqil ishni bajarib, ijodiy faollashgan o'quvchilar darajaning qolgan xossalarini yozadilar.

2) $a^m:a^n=a^{m-n}$

3) $(a*b)^m=a^m*b^m$

4) $(a^m)^n = a^{mn}$

5) $(\frac{a}{в})^m = \frac{a^m}{в^m}$

Formulalarni oson o'zlashtirish va hatto mustaqil ravishda isbotlashga o'quvchilar ana shunday mustaqil ishlarni bajarish orqali o'rganib borishadi. Umumta'lim maktablari matematika o'quv rejasidagi ba'zi mavzularni o'rganish jarayonida ekskursiya, laboratoriya ishi va uyda bajariladigan amaliy ishlarni tashkil qilish ham mumkin.

«Uchburchak ichki burchaklari yig'indisi» mavzusini o'rganishdan oldin o'quvchilarga quyidagi uy vazifasi beriladi:

1. Ixtiyoriy uchburchak chizing, uning burchaklarini transportir yordamida o'lchang va ularning yig'indisini toping.
2. Qalin qog'ozdan uchburchak qirqib oling. Uning ikkita burchagini qirqib olib, uchinchi burchakning yoniga chap va o'ng tomondan qo'yib, xulosa chiqaring.

Dars boshlanishida o'qituvchi uyda bajarilgan mustaqil ishlarning natijasini aniqlaydi. O'quvchilar ikkala holda ham bir xil 180^0 ga teng natija olganliklarini aytishadi. Bu esa yangi o'rganilayotgan mavzu osonroq o'zlashtirilishini ta'minlaydi.

O'qituvchi Viyet teoremasini tushuntirishdan oldin ba'zi misollarni hal qilishda keltirilgan kvadrat tenglamasining ildizlari yig'indisi va ko'paytmasini topish kerakligini aytadi hamda o'rtaga savol tashlaydi:

— Qani, kim $x^2-14x+48=0$ keltirilgan kvadrat tenglama ildizlarining yig'indisi va ko'paytmasini tezroq hisoblab beradi?

Barcha o'quvchilar mustaqil ravishda hisoblarni bajarishadi:

$x_{1,2}=7\pm\sqrt{49-48}=7\pm\sqrt{1}=7\pm1$; $x_1=6$; $x_2=8$

$x_1+x_2=6+8=14$

$x_1*x_2=6*8=48$

Birinchi bo'lib bajargan o'quvchi doskaga taklif qilinadi. O'qituvchi bu hisoblashga uch daqiqa vaqt sarflanganligini eslatib o'tadi va ularga o'rin almashishni taklif qiladi. O'quvchilar keltirilgan kvadrat tenglamalarni aytishadi, o'qituvchi tezda javob beradi. Shundan so'ng o'qituvchi o'quvchilar diqqatini keltirilgan kvadrat tenglama ildizlari yig'indisi va ko'paytmasini aniqlovchi qonuniyatga qaratadi:

$x^2+px+q=0$ keltirilgan kvadrat tenglamalarning ildizlari x_1 va x_2 bo'lsa, $x_1+x_2=-p$ va $x_1*x_2=q$ ekanligi isbotlab ko'rsatiladi. O'quvchilarning o'quv materialini o'zlashtirishlarida ilgari o'rganilgan bilim va malakalarini qo'llashlari foyda beradi.

Matematika fanini o'qitishda bolaning ijodiy tafakkurini shakllantirishga o'qituvchi ko'p mehnat sarflaydi. Fan asoslarini har bir bola har xil o'zlashtiradi. Agar biz o'z o'quvchilarimizni dars jarayonida mustaqil ishlashga o'rgata olsak, oldimizga qo'yilgan maqsadga erishishimiz qiyin kechmaydi.

O'rol ALLANAZAROV,
Amir G'ANIYEV,
Surxondaryo viloyati
Qiziriq tumanidagi 14-umumta'lim maktabining matematika fani o'qituvchilari

DARSDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR

O'quvchilar bilim samaradorligini oshirish uchun, boshlang'ich ta'limda matematika fani mashg'ulotlarida pedagogik texnologiyalarni nazariy hamda amaliy tarzda olib borish muhim.

Boshlang'ich sinf matematika darsida qo'llanishi mumkin bo'lgan interfaol metodlar va qiziqarli o'yinlar o'quvchilarni mustaqil fikrlashga undaydi, bilim olishni faollashtiradi; o'quvchilar va o'qituvchilar o'rtasidagi ijobiy hamkorlikni namoyish etadi.

Interfaol usullarning mazmunini anglagan o'quvchilar ta'lim jarayoniga qiziqish bilan kirishib ketadilar.

Tajriba shuni ko'rsatadiki, interfaol metodlar qo'llaniladigan dars mobaynida o'quvchi o'zi uchun yangi bilimlarni samarali o'zlashtiradi.

Interfaol metodlarning qo'llanishi dars jarayonini beixtiyor psixologik o'yin yoki musobaqaga aylantirib, bo'sh o'zlashtiruvchi o'quvchilarni ham fikrlashga, bahs-munozaralarda faol ishtirok etishga undaydi. O'quvchilarni faollashtirish uchun dars jarayonida qo'llaniladigan usullarni to'g'ri tanlash va savollarni aniq belgilash katta samara beradi. O'qituvchi har bir foydalanadigan interfaol usulining natijasini oldindan ko'ra olishi va darsni to'g'ri tashkil etishi lozim. Shuningdek, o'qituvchi qo'llamoqchi bo'lgan interfaol usulga mos rasm, tarqatma material, ko'rgazmali qurollarni darsga tayyor qilib qo'yishi muhim.

Sinfda o'tiladigan mavzular yuzasidan muammoli vaziyatlarni muhokama qilishda "Aqliy hujum", "Kichik guruhlarda ishlash", "Burchaklar metodi", "Kubiklar metodlari" kabi interfaol metodlardan foydalanishning samarasi katta.

Maftuna HUSANOVA,
Nizomiy nomidagi TDPU magistranti



Bugun maktablarda informatika fanini o'qitishga alohida e'tibor qaratilayotir. Bunda fan o'qituvchilaridan yuksak bilim va tajriba talab etiladi. Chilonzor tumanidagi 217-umumta'lim maktabining informatika fani o'qituvchisi Feruza Qorasherova o'zining 18 yillik mehnat faoliyati davomida o'quvchilarni darsga qiziqtira oladigan interfaol usullardan foydalangan holda saboq berib kelayapti. Izlanuvchan muallima bir qator ko'rik-tanlovlarda ham faol ishtirok etib, faxrli o'rinlarni qo'lga kiritmoqda. Jumladan, 2007-yilda «Men va mening sinfim» ko'rik-tanlovining tuman bosqichida 2-o'rinni egalladi.

Suratda F.Qorasherovaning 8-«B» sinf o'quvchilariga «Veb-sahifaga matn kiritish» mavzusida o'tgan darsi jarayoni aks etgan.

Burhon RIZOQULOV olgan surat.

САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

XXI аср ҳаёт суръатларининг шиддатли ва мураккаб кечаётгани, ахборотнинг ақл бовар қилмас даражада тез алмашинаётгани, кескин фикр алмашувлар юз бераётгани билан ҳам эътиборлидир.

Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида инсониятнинг бугунги куни юксак технологиялар асри ёки ялпи ахборотлашув замонидан кўра, глобаллашув даври деган таърифга кўпроқ мос тушишини таъкидлайди: «Глобаллашув — бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир».

Бу мураккаб жараённинг ижобий жиҳатлари сифатида интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, замонавий илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви сингари бир қатор омиллар қайд этилиб, масаланинг салбий кўриниши сифатида мафкуравий таҳдиднинг сабаб ва оқибатлари кенг таҳлил қилинади: «Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин».

Дарҳақиқат, бугун глобаллашув ҳосиласи бўлган «оммавий маданият» тушунчаси бутун дунёда маънавий хавф-хатарга айланди. Бу ҳодисанинг пайдо бўлиши хусусида турли қарашлар мавжуд. Масалан, россиялик олима Елена Смольская «оммавий маданият»ни оммавий алоқалар туфайли юзага келган деса, америкалик социолог Д.Уайт фикрича, римлик гладиаторларнинг ваҳшиёна олишувини одамлар томоша қилган пайтдаёқ бу салбий ҳолатнинг илк унсурлари намоён бўлган. Айрим социолог-аналитикларнинг нуқтаи назарича, XVII-XVIII асрларда капитализмнинг юзага келиши элита ва омма маданиятини ажратиб ташлаган. Умуман олганда, XX аср бошларига келиб радио, кино, телевидение, кўп нусхада нашр этиладиган безакли журналлар, арзон ва «ҳамёнбоп» китоблар, граммофон пластинкалари, сўнг VCD ва DVD дисклар ҳамда интернет сайтлари оммабоп материалларни бетиним ва бетизгин равишда узатиб, кенг аудиторияни эгаллаб олгани туфайли бу ҳодиса келиб чиқди. Нима бўлган тақдирда ҳам бугун башарият маънавиятига ахлоқсизлик, фикрсизлик, диднинг ўтмаслашуви хавф солмоқда. Оқибатда аксарият одамлар тафаккурдан кўра, ахборот ортидан эргашишга мойил бўлиб бораётир.

«Оммавий маданият» маҳсулотлари асосан санъат намунасидан кўра, товар хусусиятига эгалиги, кенг миқёсдаги аудиторияни эгаллаганлиги, ахлоқий ва маънавий таназзулга етаклаши билан характерланади. Ўқувчи (томошабин, тингловчи) вақтини ўғирлайдиган бундай асарлар инсоний муносабатларга жўн баҳо бериши, ахлоқий меъёрларни емириши, кўнгилочар комиксларда тараллабедод саргузаштлар, шаҳвоний ҳирсни қўзғайдиган кадрларга кенг ўрин ажратилиши, онг остидаги яширин бошқа шаҳвоний истакларни қўзғаши, миллий ва ирқий айирмачиликка ундаши сингари бир қатор хусусиятлар билан тавсифланади.

Одатда ахлоқсизликни ахлоқ деб тарғиб этадиган «оммавий маданият» унсурлари бугун юртдошларимиз тасаввурига ҳам сезиларли маънавий хавф солмоқда.

Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилгач, одамларимиз онгида пайдо бўлган ғоявий бўшлиқ ўрнини маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» эгаллаши мумкинлигидан хавотирланиб, таъкидлайди: «Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди».

Ахлоқий бузуқлик — бу маънавиятдаги мувозанатнинг бузилиши, онгдаги ахлоқий қувват ўрни-

2010-yil — Barkamol avlod yili

ни шаҳвоний ҳирс, тафаккурни эса манқуртлик эгаллаши демакдир. Ахлоқий бузуқликнинг авж олишини муқаддас динимиз қоидалари ҳам, миллий урф-одатларимиз ҳам инкор этади. Таассуфки, бугун, «сариқ матбуот» нашрларида ҳикоя, қисса, ҳаттоки роман жанри остида пешмапеш чоп қилинаётган савиясиз «асар»лар, интернет сайтлари, дисклар ҳамда мобиль телефонларнинг ҳожатбарор Bluetooth ва ИК-портлари орқали қўлма-қўл тарқалаётган «томошабоп» кадрлар халқимиз, айниқса ёшларимиз тарбияси учун жуда хатарлидир. Бундай маънавий хавф-хатар эса бугун пайдо бўлгани йўқ.

Ўтган асрнинг 90-йилларида халқимиз ҳаётига оммавий тарзда кириб келган видео бу жараённинг бошланиши эди. Ўша пайтлар ҳатто чекка қишлоқларда ҳам кимлардир уйини «видеохона»га айлантириб, томошабинларга асосан ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик кадрлари акс этган хорижий фильмларни намойиш қилишни тирикчилик воситасига айлантирганди. Асосан зино, ўғрилик, жиноятчининг ҳуқуқ-тартибот ходимларига қандай чап бериши сингари одамларни муқаддас қадриятларимиз ва тўғри ҳаёт кечиришга қарши қўядиган сюжетлардан иборат бундай хорижий фильмларни инкор қилишга ўшанда аксарият томошабиннинг маънавий қуввати етмади.

Тарихдан маълумки, ёғочнинг бўшини қурт еганидек, маънавий таназзул ҳам ҳамиша кичкина масаладек кўринган майда ишлардан бошланади.

Бугун глобаллашув, хусусан «оммавий маданият» ҳосиласи бўлган бир жинсли кимсаларнинг (одам дейишга тил бормайди) никоҳдан ўтаётгани, бирга яшаётгани ҳаммасидан ҳам катта фожиадир. Аянчилиси, Америка ва Европадаги айрим мамлакатларда бу фожиали ҳолатга қонунан рухсат берилаётганини бугун инсоният ҳам даҳшат, ҳам лоқайдлик, ҳам кулги билан кузатмоқда. Биргина ўтган йили ўз жинсдоши билан никоҳдан ўтишни истаётганлар ва бунга қонунан рухсат берилган ҳудудлар сони кўпайгани ҳақидаги маълумотларни ўқиб, одам «тавба» деб ёқасини ушлайди. Энг ачинарлиси, шундай қабоҳатнинг авж олишини демократия белгиси, деб тарғиб қилаётганлар хорижда кам эмас.

Бундай маънавий мажруҳлик эса миллий қадриятларимизга хавф солмайди, деб бепарво бўлиш, агар таъбир жоиз бўлса, ҳадемай босиб тушадиган уйда бемалол ўтириш билан тенг.

Хориж оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, яқинда ана шундай «демократия» тарафдорларидан бир гуруҳи қўшни мамлакатлардан бирида йиғилиш ўтказиб, бир жинсли шахсларнинг никоҳдан ўтишига қонуний рухсат бериш кераклиги тўғрисида кўп вайсаган. Уларнинг нуқтаи назарича, Марказий Осиё мамлакатларида соғлом ақл қабул қила олмайдиган бундай фожиага қонунан рухсат берилмагани минтақамизда демократия йўқлиги, одамларнинг эса тараққиётдан орқада қолганини англатар эмиш.

Ғарбдаги айрим «донолар»нинг бундай хурмача қилиқлари атоқли адиб Эрнест Хеменгуэйнинг гапини эсга солади: Ғарбнинг «бой берилган авлоди» отасига салом беришни ўргатаётган болага ўхшайди. XX аср бошларида Европа санъатида «дадаизм» номи остида пайдо бўлган оқим инсон тасаввури ва тафаккуридаги лойқаланишни бошлаб берди. Ушбу оқим тарафдорлари «Ҳеч қандай дастурга суянмаслик — дастуримиз», деган шиор остида жазавага тушиб, инсоният неча асрлардан буён улуғлаб, сайқал топтириб келган муқаддас тушунчаларни оёқости қилишга киришди. Оқибатда, бугун манқурт авлод пайдо бўлди. Эътиборлиси, бу тубанликни байроқ қилиб кўтарганлардан бири — Тристан Тзара вақт ўтиб, барча қилмишларига пушаймон бўлади: «Ўйлашимча, ўз калавасини йўқотган одамларнинг тушкунлиги ва гумроҳлиги ҳатто тажовузкор тузумдан ҳам кўра хавфлироқдир».

«Оммавий маданият» зангга ўхшайди. Муҳофаза қилинмаса, ҳатто метин иродани, мустаҳкам эътиқодни ҳам емиради. Ахлоқий бузуқлик билан миллатни ичдан бузиш, муқаддас қадриятларимизни йўқотиш, уларнинг ўрнига манқуртликни, дидсизликни, иймонсизликни жорий қилиш замирида, аслида шунчаки эрмак, ўйин-кулгу ва кўнгил очиш билан боғлиқ «маданият» эмас, каттароқ, ёвузроқ мақсадлар, миллатни миллий ўзагидан айириб, оломонга айлантириш орқали экспансия қилиш яширинганини ҳамма ҳам, айниқса, ёшлар англаб етавермайди.

Бугун фарзандларимиз тасаввурида Алпомишу Гўрўғлидан кўра аллақандай Анпанман, Шрэк, Попай сингари ғайритабиий махлуқлар, ўқ ўтмас роботлар, охири йўқ душманни қиришга киришган автоматлар, на мақсади, на тутуруғи бўлган Гарри Поттерлар кўпроқ илдиз отаётгани аянчлидир. Қўлма-қўл ўқилаётган «кўнгилочар» газеталардаги шаҳвоний майлни қўзғашга мўлжаллаб ёзилаётган «асар»лар сийқа, бир хил шаблондан иборат: яъни, ўқишга кирмоқчи бўлиб шаҳарга келган қиз қийналади, ишга кирмоқчи бўлади, бир кимсани учратади, у ёрдам бераман деб қизни алдайди, зўрлайди, нотавон қиз йиғлайди, ўзини ўлдирмоқчи бўлади, кейин эса ёмон йўлларга кириб кетади...

Индивидуалликнинг бир қирраси бўлган шахсий фикр иқтидорнинг намоён бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Одамнинг ўз нуқтаи назарига эга бўлишини қадриятларимиз ҳам қўллаб-қувватлайди. Бироқ шахсий фикрнинг борлиги бошқаларнинг фикрига ҳурматсизлик қилиш керак, дегани эмас. Қолаверса, миллатимиз азал-азалдан ёши улуғ кишини тўрга ўтказиб, гапига қулоқ солиб, таъбир жоиз бўлса, ўзидан бир-иккита кўйлак кўпроқ йиртган кексаларнинг насиҳатига амал қилиб келган. Ғарб мамлакатларидаги одамлар психологиясида эса алоҳида фикрлаш, худбинлик, ўзгалар фикрини инкор қилиш эвазига шахсий қарашларни исботлашга уриниш кучли. Демак, «оммавий маданият»га дахлдор индивидуализм дейилганда, фақат ва фақат ўзгалар, айниқса ёши улуғлар фикрига ҳурматсизлик қилиш маъноси назарда тутилмоқда.

Яқинда бир ўқитувчи нолиб қолди: «Эй, ука, бутун бир қишлоқнинг боласига таълим бердим-у, ўзимнинг биттагина ўғлимга тўғри тарбия беролмадим. Эркин ўссин деб, доим унинг кўнглига қарадим. Биз отамиздан ҳайиқар эдик, ўғлим бўлса мени олдимда ҳам карта ўйнайди, пиво ичади. Индамадим. Нимагаки қизиқсам, ота-бувам «катта бўлсанг, биласан», дерди. Мен эса демократик тарбия деб, унга ҳамма гапни айтавердим-айтавердим. Топганим – отасининг фикрини бир тийинга олмайдиган бола, йўқ, бола эмас, бало бўлди...»

Бундай аянчли мисолларни, афсуски, кўплаб келтириш мумкин.

Умумбашарий маънавият ҳамиша миллий маънавият негизида шаклланиб келган. Ўзбек маънавиятининг эса ўз тарозиси бор. Ўзбек халқи ҳамиша уятни ўлимдан қаттиқ, ор-номусни тириклик асоси деб билган ва ўз қадрини ўзгаларга бўлган ҳурмати билан бир қаторга қўйган. Миллий қадриятларимиз негизида инкордан кўра сайқалланиш, шубҳадан кўра ишонч кўпроқ улуғланади.

Глобаллашув — оломонлашув дегани эмас. Бу Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида ҳам алоҳида таъкидланган. Тобора кучайиб бораётган ғоявий хавф-хатарларни мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия, бир сўз билан айтганда, маърифат билан енгиш мумкинлиги кўрсатиб берилган: «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади».

Дарҳақиқат, ҳар бир дарахтнинг ўқилдизи бўлганидек, ҳар бир миллатнинг ҳам умумбашарий маънавиятдан озиқланадиган ва ўз навбатида умуминсоний маънавиятни бойитадиган миллий қадриятлари бор. Миллийлик — бу қиёфа, қиёфасизлик эса муқаррар ҳалокатдир. Ўз шажарасини билмаган, ўзини ҳурмат қилмаган, ўзининг олдида жавобгарлик туймаган одам на ота-онасига, на оиласига ва на халқига бирор наф келтиради.

Доимо ор-номусли, иймонли, мағрур яшашни ҳаёт тамойилига айлантирган ўзбекона қадриятларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши — миллий қиёфамизни асраб қолишнинг ягона нажот йўли. Бошқача айтганда, саодатга элтувчи йўл — ўзбек феноменида асрлар оша яшаб келаётган тўғри тарбиядир.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Мақсадга ижодий ёндашув билан эришамиз

Ўқувчилар қалбига халқимизнинг бой ўтмиши, тарихий маданияти билан бирга бебаҳо хазина бўлмиш миллий-маънавий меросимизга ҳурматни чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича махсус методологик комиссия мажлиси баёнига асосан умумтаълим муассасаларида мазкур асарни 10 соатлик факультатив курсларда ўрганиш бўйича ўқув дастури қайта ишланиб, такомиллаштирилди. Ушбу дастур Миллий истиқлол ғояси бўйича узлуксиз таълим тизимида ўқув адабиётлари яратишни мувофиқлаштирувчи махсус эксперт комиссияси ҳамда Миллий ғоя илмий-амалий маркази томонидан ҳам ижобий баҳоланди.

Энди ўқув йили давомида "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини атрофлича ва чуқур ўрганиш учун умумтаълим мактабларининг 9-синфларида 10 соатлик факультатив курс ҳафтада 1 соатдан ўқитилиши бошлаб юборилди.

Бу борада амалга оширилаётган ишларни ўрганиш, дарс самарадорлигини ошириш юзасидан зарур тавсияларни бериш мақсадида Амударё туманидаги 11-умумтаълим мактабида бўлганимизда таълим муассасасида мазкур ўқув машғулотининг ижодий ташкил этилишига катта эътибор қаратилганининг гувоҳи бўлдик.

Мактаб директори Зулфия Юсупова ушбу курсни ўтказиш учун ажратилган маънавият хонаси билан таништирди. Хона асар ва факультатив курс мавзусига оид турли хил кўргазмали воситалар, компьютер, проектор, мультимедиа ва бошқа ўқув-техник воситалар билан жиҳозланган.

Дарс бошланди. Ўқитувчи Гулойим Бекжонова қоғозга олдиндан ёзиб қўйилган дарс мавзуси, режаси ва мақсадлари билан ўқувчиларни таништира бошлади. Ўқитувчи дарсни самимийлик ва болалар билан дўстона муносабатларни амалга оширган ҳолда олиб боришга интилди. Бу эса дарс жараёнининг қизиқарлилигини оширди. Сабаби, ўзи билан дўстона тарзда муомала қилган устозни болалар яхши қабул қилишади. Унинг вазифаларини сидқидилдан бажарадилар. Натижада дўстона рақобат вужудга келади. Педагог асар ҳақида болалар билан фикрлашар экан, уларнинг маънавият деганда нималарни тушунишларини эркин тарзда ифодалашларига имконият берди. Ўқитувчининг маънавиятга бағишланган шеъри эса болаларнинг дарсга ижодий ёндашувларини янада кучайтириб юборди.

Маънавият қуёшдир, ойдир,
Маънавият — бу уйғоқ виждон.
Юзларидан нурлар ёғилиб,
Бобурга хат йўллади шу он:
"Хотиржам бўл ўзга элларда,
Унут бўлиб кетдим, демагил.
Мен Ватандан айро ғурбатда
Ва дарбадар ўтдим, демагил.
Авлодларинг баркамол, ўктам,
Мутолаа қилар бир китоб.
Бир китобки, енгилмас кучдир,
Теграсида нур сочар офтоб.
Офтоб асли кўчган кўнгилга.
Қалб қуёши порлаб турибди.
Маънавият — енгилмас кучим,
Саодатга чорлаб турибди".

"Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини узлуксиз таълим тизимида ўрганар эканмиз, ёшларга инсон, миллат шаъни, давлатнинг барқарорлиги, тараққиётга эришиш ва бу йўлдаги қийинчиликларни енгишда энг ҳал қилувчи куч ва таянч нуқта юксак маънавият эканлигини тушунтиришимиз лозим. Ўқитувчи эса дарс жараёнида ўзининг ижодий ёндашуви орқали ушбу мақсадга тезроқ ва осонроқ эришади. Ана шундай ижодкорлик хислати билан ҳам муаллиманинг дарси бизда катта таассурот қолдирди. Дарсдан қайтар эканмиз, ҳар бир ўқитувчида изланиш ва ижодкорлик устувор бўлишини чин кўнгилдан истадик.

Равшан ХАЛМУРАТОВ,
Амударё туман ХТБ методик кабинети мудири ўринбосари

Мен йиқилган кун

Дарс тугагач, синфхонадан чиқар эканман, бўсағага сурининб, йиқилдим. Йиқилганда ҳам худди биров қўлоёғимдан ушлаб отиб юборгандек, сумкам бир томонга, шляпам бошқа томонга учиб кетди. Аслида, ўзимни ҳар дақиқада жуда эҳтиёт қилардим, ҳушёр ва сезгир бўлиб қадам ташлардим. Синфхонага киргандан то чиққунча миямнинг ҳар бир нуқтасини кузатишга уринардим. Бу сафар...

Инсонни ақл-фаросат турли хавф-хатардан асрагувчи қалқондир. Баъзан ақл-фаросатингни биров танангдан суғуриб олгандай, миянг бўм-бўш бўлиб қоларкан. Шундай пайтда йиқиласан, қоқиласан. Қисқаси, умр бўйи кутилмаган ҳодисалар содир бўлади-қўяди.

Лекин ҳовлида йиқилган билан, жамоа олдида йиқилиш осмон билан ерчалик фарқ қиларкан. Ҳовлида йиқилсанг, уст-бошингни қоқиб, яна йўлингда давом этаверасан. Хаёлингга ҳам ҳеч нарса келмайди. Бироқ бир тўда ўзини билган-билмаган, неварангиз тенги болалар кўз ўнгида йиқилиб, бутунлай чангга булғанишингизни тасаввур қилиб кўринг-чи? Бутун бошли синф ўқувчилари "ҳо-ҳо-ҳо"лаб, керак бўлса, қийқириб-қийқириб кулишини бир ўйланг-чи? Бундай пайтда ҳар қандай ақлли ва фаросатли одам ҳам гангиб, ўзини йўқотиб қўяди. Йиқилган пайтимда шундай фикр ўтди хаёлимдан: "Ҳозир бутун бир синф боласи мени мазах қилади. Энди бу синфга дарсга кириб бўлмайди".

Бироқ вазият мен кутгандек бўлмади. Бирорта бола оғзини ҳам бурмади, кулмади ҳам. Аксинча, уларнинг юз-кўзларидан менинг аҳволимга олдин ҳайрон қолиш, кейин ачиниш аломатларини сездим. Чунки болаларнинг нигоҳлари бир нуқтага қадалди. Барибир кўнглим ҳадик ва хавотирга тўлиб-тошганди. Бироқ ўғил болалар тезда ёнимга келиб, бири костюмимни қоқарди, бири шляпамни тозаларди. "Устоз, эҳтиёт бўлинг. Бўсаға баланд экан-да", дейишарди улар менга ҳамдардлик билдиришганча. Бир неча бола йиқилганимда сумкамдан отилиб чиқиб кетган дафтар-китобларнинг чангини қоқишиб, ўрнига жойлади. Мен жуда ҳайрон қолдим.

"Нега болалар кулишмади?", дейман ичимда. "Оддий гапни ҳам фожеага айлантириб, кулги қиладиган шумтака болалар бугун мактабга келмабди-да", деб атрофга қарасам, ҳаммаҳаммаси шу жойда. Уларда ҳам менинг аҳволимга бепарволик сезилмасди.

Hodisa

Машҳур ва моҳир педагоглар ҳаётига оид китобларни ўқиганман. Бир рус педагоги жағини боғлаб, ўзини гўё тиши оғриган қилиб кўрсатиш учун синфга киради-да: "Азиз болалар, сизларни яхши кўрганим боис, тишим оғриса ҳам, ҳузурингизга шошилдим. Дарс мен учун тиш оғриғидан ҳам аъло", дейди. Болаларнинг эллик фоизида ҳамдардлик аломатлари кузатилади. Аммо ёлғондан бу ҳолга тушиб, болаларнинг унга муносабатини билиш шартмикан?

Йиқилган кунимдан бошлаб, болалар ҳақидаги тасаввурларим тамоман ўзгарди. Олдинлари "Болалар билан кўпам сирдош бўлиб, авра-астарингни очаверма, неча пуллик тош эканлигингни кўрсатиб қўясан", деган нидо кўнгил маконимда шиор қилиб осилган эди. Бу маконда "Болаларга меҳрдан кўра кўпроқ қаттиққўл бўл!", "Бола олдида ҳар бир айтар сўзингни олдиндан ақл қозонида пишириб, кейин тортиқ қил", деган шиорлар ҳам бор эди. Уларга мен йиқилган кундан бошлаб яна шундай мулоҳазаларни ҳам қўшиб қўйдим:

— бола юзакиликни ёқтирмайди;

— қайсидир муаллим "боланинг нимага ҳам ақли етарди", деса адашади;

— бола кузатувчи ва сезгир, синчи-синовчидир. Бири сезмаган нарсани иккинчисидан билиб олади;

— боланинг меҳр-муҳаббат водийсига жуда кўп заҳмату машаққат тоғидан ўтилади;

— ўқувчини қанчалик менсимасанг, салбий муносабатда бўлсанг, тоғдаги шовқин акс-садо берганидек бола ҳам сени ёмон кўришдан ўзини тиёлмагай;

— боланинг қалбини чулғаган нурни илғай олсанг, бола ҳам сени илғаб олгай.

Мен йиқилган кун мен учун синов экан, бу синовдан ҳам эсон-омон ўқувчиларим ўтказиб қўйди. Болаларнинг меҳр нури борлиғимни янада ёритиб юборди. Йиқилган кунимда уст-бошимнинг чанглиги ҳам менга чирой бериб турарди. Чунки ўқувчиларим атрофимни ўраб, ҳеч кимга менинг ношуд аҳволимни сездирмасди. Аҳволимга ҳайратомуз қараб турган ўқувчиларим довдираб, нима қилишини билмай турганидан ҳам миннатдорман. Чунки улар тезда ўзларини ўнглаб олиб, мени масхаралик майдонидан обрў-эътибор боғига киргазиб юборишди. Бундай бахт, қувонч ва эътиборнинг таъмини ҳамма ҳам ҳис қилавермаса керак, деб ўйлайман.

Садат ОСТОНОВ,
Қамаши туманидаги 74-мактаб ўқитувчиси,
"Шуҳрат" медали соҳиби

Китоб инсонни тарбиялайди

Болалар дунёсида бадиий китобнинг ўрни беқиёс. Чунки жажжи қалб эгалари кимларга ёки нималаргадир интилиб, тақлид қилиб яшайди. Ўша хаёлот дунёси билан улғайиб, балоғат ёшига қадам қўяди.

«Ma’rifat»нинг 2010 йил 9 январь сонида чоп этилган Шоира Ҳотамованинг «Болалар қалбида китобга меҳр уйғотайлик» номли мақоласи менда баъзи фикрларни туғдирди.

Муаллифнинг китоб ҳақидаги мулоҳазалари жуда тўғри. Мақолада гап келажагимиз бўлган болаларимизнинг маънавий оламини бойитиш, бунинг учун сўзлар хазинасини эгаллашга, тафаккур оламини юксалтиришга ёрдам берадиган бадиий адабиётларга меҳр уйғотиш ҳақида боради. Шу ўринда савол туғилади. Болаларга «китоб ўқи!», дейиш ёки қаҳрамонлар ҳақида бирон нарса айтиб беришдан олдин катталарнинг ўзлари мутолаа қилишармикан?

Aks sado

Бадиий адабиёт — мўъжизавий олам. Унда аждодларимизнинг руҳи яшайди. Инсон ўзи учун керак бўлган барча билимларни китоблардан олади. Бу орқали ўз-ўзини тарбиялаб боради. Имом Ғаззолийнинг шундай фикри бор: «Тарбия билан қўлга киритиладиган маълумотларга ҳам ақл дейилади».

Айтиш керакки, ҳар бир дарсда ўзига хос содда ва равон сўзлар билан айтилган ривоят, ҳикматлар ёки бошқа турдаги адабиётлардан фойдаланиш мумкин. Бу ўқувчининг мавзуни ўзлаштиришига катта ёрдам беради. Яъни, ўтилажак мавзу билан боғлиқ ривоят ёки воқеа айтиб берилса, аввало, ўтилган дарс ўқувчилар ёдида яхши қолади. Қолаверса, бундай қўшимча адабиётни ўзи ҳам излай бошлайди. Ва энг асосийси, уларнинг маънавий олами бойиб боради.

Мақоладаги «...Фарзандларимиз компьютерлар билан бемалол «тиллаша» олади, интернетга кириб, ўзлари учун муҳим ва қизиқарли маълумотларни ола билишади... Бундай воситаларни беш қўлдай билиш сув билан ҳаводек зарур...», деган фикрларни ўқиб, тўғриси, қандайдир хавотирга тушдим. Негаки, интернет ҳам бир бозор. Ёшлар ундан олма харид қиламан деб, «бошқа» нарсаларга ҳам кўзи тушиб, кейин унинг салбий таъсиридан чиқолмай қолса-чи? Менимча, интернет дастурларидан фойдаланишда ўқувчилар ўзларида ижтимоий иммунитетни шакллантирмагунча, устозлари кўмагига таяниши, улар билан баҳамжиҳат бўлгани маъқул.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, юқорида айтилган маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, келажагимиз пойдеворини мустаҳкам қуриш учун ҳам ёшларимизни бадиий адабиётга, санъатга ошно этишимиз керак.

Мунаввара ЮСУПОВА,
Тўрткўл индустриал педагогика коллежи ўқитувчиси

Қўл телефони ҳам керак, аммо...

Bugunning gapi

Таълим муассасаларида яратилган шароитлар, жумладан, замонавий компьютерлар, уларнинг интернет тармоғига уланиши ёшларимизнинг дунё илм-фани ва янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлишига имкон яратмоқда. Айтиш лозимки, техника тараққиёти оғиримизни енгил қилаяпти. Бирор маълумот керак бўлса, ҳеч қандай муаммоларсиз уни қўлга кирита оламиз. Афсуски, бундан нотўғри мақсадда фойдаланаётганлар ҳам йўқ эмас.

Айниқса, ҳозирги вақтда XX аср ихтироларидан бири бўлган уяли телефонлар ўқитувчиларнинг ҳам муаммоси бўлиб қолаяпти. Мактаб ўқувчилари олиб юрадиган қиммат уяли телефонларни кўрганимизда баъзида ҳайрон қоламиз. Агар уларнинг телефонлари шунақа бўлса, унда ота-оналарининг (агар бўлса, албатта, баъзи ота-оналар ўзларида бўлмаса ҳам фарзандлари бошқалардан кам бўлмаслиги учун олиб беришади) телефонлари қандай экан? Албатта, гап телефоннинг нархида эмас, унинг ичида нима борлигида. Ўқувчи ундан тўғри мақсадда фойдаланса, яхши. Лекин баъзан бу матоҳнинг хотираси аянчли воқеалар, беҳаё лавҳалар, қўрқинчли ўйинлару маънисиз суратларга тўла эканлигининг гувоҳи бўлаяпмиз.

Ота-оналарнинг фарзандларини телефон орқали назорат қилиб туришларини тўғри тушунамиз, аммо ана шу воситанинг оддийроғини олиб берсалар ҳам бўлади-ку, деб ўйлаймиз (асосийси, Bluetooth бўлмаганини). Улар қанчалик қиммат телефонга эга бўлсалар, ўзларини шунчалик зўр деб ўйлашларига йўл қўймаслик муҳим.

Қолаверса, телефонлар ўқувчини дарсдан умуман чалғитади. Бу восита нафақат маънавий онгимизни заҳарлайди, балки соғлиғимизга ҳам салбий таъсир ўтказишини унутмайлик. Ундан чиқадиган радиация нурлари оғир хасталикларга олиб келишини ҳаммамиз биламиз. Бу воситани фақатгина сумкаларда олиб юриш кераклигини шифокорлар бот-бот уқтиришига қарамай, ҳали-ҳамон ўқувчиларнинг қўлидан тушмаётгани ачинарли ҳол. Аслида, мактабдаги кўп ўқувчиларнинг ўзлари ҳам телефоннинг қандай салбий томонлари борлигини жуда яхши билишади, афсуски ундан воз кечолмайдилар.

Агар барча мактабларда бунга нисбатан турли чора ва тадбирлар қатъий тартиб билан кўрилса, ўқувчилар эътибори кўпроқ ўқишга қаратилармиди. Ёки айтиб ўтилган фикрларга оид саҳна кўринишлари, кўргазмалар ташкил этилса, қолаверса, ота-оналар билан шу мавзуда суҳбатлар ўтказилса, ҳам, яхши натижаларга эришса бўлади.

Фаёза ДАДАБОЕВА

КОРРЕКЦИОН ТАЪЛИМ

Эшитишида нуқсони бўлган бола билан қандай иш олиб борилади?

Оилада фарзанд дунёга келиши—катта қувонч. Кун сайин, ой сайин ўсиб-ўзгариб бораётган бола ҳеч қандай товушни эшитмаслиги маълум бўлгач, ота-онанинг қандай аҳволга тушишини кўз олдингизга келтиринг. Қалб титрайди, қаердан ва кимдан нажот топиш мумкин?

Maxsus maktabgacha ta'lim muassasalarida

Бундай ҳолатда уларга махсус мактабгача таълим муассасаларининг ёрдами зарур бўлади. Эшитиш қобилияти суст, жисмоний ва руҳий имкониятлари чекланган фарзандларимиз учун қилинаётган ғамхўрлик ва эътиборга ана шундай масканларда гувоҳ бўлишингиз мумкин. Юнусобод туманидаги 442-махсус мактабгача таълим муассасаси эшитишида нуқсони бўлган болалардан 55 нафарини ўз бағрига олган бўлиб, уларда кечадиган ўзига хос руҳий ва жисмоний ҳолатлар турли сурдопедагогик усулларда бартараф этилаяпти. Туман оилавий поликлиникаси ҳамда сурдомарказ ташхиси билан бу ерга мурожаат қилган ота-оналар ўз фарзандларининг соғломлаштирилишини, эшитиш қобилияти тикланишини истайдилар. Улар билан иш олиб боришнинг қанчалик даражада мураккаб эканлигини чуқур англаган ота-оналар бу ерга тез-тез ташриф буюрадилар. Юзларида эса шундай савол ифодаси: «Фарзандимнинг эшитиш аъзоларида ўзгариш борми?»

Бунинг учун муассаса ходимлари ўз педагогик йўналишларини тўғри ва аниқ белгилаб олишган. Боланинг **нутқини ўстириш, эшитиш қобилиятини ривожлантириш, оддий математик тасаввурини шакллантириш**да улар билан яккама-якка иш олиб борилади. Коррекцион вазифалар амалга оширилар экан, боланинг луғат бойлиги ошишидан ташқари унда соғломлаштириш жараёни ҳам кечади, мусиқий саводхонлик, теварак-атрофни кузатиш, англаш малакалари шакллана бошлайди. Педагогик мақсадга йўналтирилган машғулотлар «Теварак-атроф билан танишириш», «Жисмоний тарбия», «Ўйинлар (дидактик, ҳаракатли, мазмунли, ролли)», «Қуришсяаш», «Аппликация», «Расм» ва «Сайр» номлари остида уюштирилади. Сурдопедагог, тарбиячи, психолог, мусиқа раҳбарининг диққат-эътибори болада кечадиган руҳий ва жисмоний ўзгаришларга қаратилмоқда. Эрталабки соат 9^{00} дан бошланган машғулотлар соат 13^{00} да якунланади. Жадвал шундай тузилганки, боланинг нутқини ўстиришга қаратилган **дактилологик** (қўл ҳаракатлари орқали ҳарфларни ўргатиш) дарслар 25-30 дақиқага мўлжалланган бўлиб, юқори педагогик маҳоратсиз мақсадга эришиш қийин. Оғзаки нутққа ўргатиш жараёнида **лабдан ўқиш** ва **талаффузга ўргатиш** муҳим жиҳат ҳисобланади. Биринчи ҳолатда тарбияланувчи гапираётган шахс яъни педагогнинг нутқ органлари ҳаракатига қараб товушларни фарқлашга ўрганиши лозим. Бунда унга кўриш органлари ёрдам бера олади. Лабдан ўқишни ривожлантириш учун муассаса педагоглари машғулотни ўйин шаклида олиб боришади. Масалан, елим от—ўйинчоқ бола турган жойдан анча нарига қўйилади, ундан ҳам нарида эса бошқа ўйинчоқ. Ҳар бир ўйинчоқ болага кўриниб туриши лозим. «Прр» деган товуш айтилиб, тарбияланувчига ҳалиги ўйинчоқларни олиб келиш топширилади. Худди шундай ўйин «товуқ» (қа-қақ), «мушук» (мияув) ўйинчоқлари билан ҳам ўйналадики, турли товушларни илғаган боланинг нутқи ривожлана бошлайди Услубчи Дилрабо Султонова бундай машғулотларнинг мазмун-моҳиятини шундай изоҳлайди:

—Болага бурун, пешона, лаб кўрсатилади ва бу аъзолар кўрсатилганда, «бу-рун», «пешо-на», «лаб» атамалари ҳижжалаб ёки бўғинлаб, такрор-такрор айтилади. Беихтиёр у ҳам сизга қўшилади. Гапиришдан аввал боланинг диққатини ўзимизга қаратамиз. У билан оралиқ масофа 0,5 метрдан кам ёки зиёд бўлмаслиги керак. Шу тариқа талаффуз нутқ органлари ёрдамида юзага чиқади. **Кўриш** ёки **вибрациясезиш** усули орқали бола тақлид қилади. Бу ҳолатда у товуш, бўғин, сўз ва гапларни талаффуз қилишга ўргана боради. Сурдопедагогик ёндашувлар орасида **вибрация** усули муҳим аҳамиятга эгадир. Бола стулчада ўтирибди, тарбиячи ёки педагог стул суянчиғига таёқча билан уради. У зарбани сезиб, орқасига қарайди ва бу машқ орқали боланинг майда қўл мушакчалари ривожланади. Тарбияланувчи айтилган сўзни катталарнинг лаб ҳаракати орқали эшитиб эмас, илғаганидан сўнг педагог шу сўзни аввал икки марта унинг ўнг қулоғига, икки марта чап қулоғига ўртача овоз баландлигида айтади. Бақириш мумкин эмас ва айни пайтда айтилган сўзни шу заҳотиёқ такрорлаш ҳам талаб қилинмайди. Акс ҳолда бола машғулотга қатнашишдан безиб қолиши мумкин.

Ота-она ўз фарзанди тақдири ҳаммавақт қизиқади. Муассасага ўғли ёки қизини топширган оилалар учун бу ерда «Ёш оналар мактаби», «Ота-оналар университети», «Сўранг, жавоб берамиз» клуби фаолият кўрсатади. Фикр-мулоҳазалар, тажрибалар умумлаштирилар экан, ота-оналарга бола билан қандай муносабат ўрнатишнинг турлича усуллари аёнлашиб боради. Сурдопедагог —> тарбиячи —> психолог —>ота-оналар ҳамкорлигидаги мақсад умумий: бола босқичма-босқич мустақил ҳаётга тайёрланиб бориши лозим. Дастлабки паллада эшитиш қобилияти мутлақо бўлмаган ёки заиф эшитувчи болаларда кейинчалик товушларни илғаш, сўзлашга мойиллик ва интилиш ҳолатлари таркиб топа бошлаши муассаса ходимлари ҳаётидаги катта муваффақият ҳисобланади.

442-махсус мактабгача таълим муассасасига бундан икки йил муқаддам ўғли Муҳаммаджонни топширган шифокор Наргиза Шокирова худди шу жиҳат ҳақида гапиради:

—Ўғлимдаги эшитмаслик нуқсонини анча кеч, уч ёшдан ошгач, билдик. Тўнғич фарзандларимнинг барчаси соғломлиги учун таажжубга ҳам тушдик. Дарҳол мутахассис кўригидан ўтиб, унинг тавсиясига биноан, Муҳаммаджонни 442- соғломлаштириш МТМга жойлаштирдик. Илгари у товушларга аҳамият бермас, нуқул қўлларини ҳаракатлантирарди. Билган гапи «пап-пап» эди. Ҳозир эса савол берсангиз, гапирсангиз, ниманидир эшитгандек оғзингизга қараб туради. Сўзлашга мойиллик туғилган. Бу сурдопедагог ва тарбиячиларнинг ўғлим каби эшитиш органида нуқсони бор болажонларга ўз мехрини, тафтини қўш қўллаб узатиши туфайли эканлигини яхши биламан. Унинг бундан кейинги махсус таълим олиш жараёни шу типдаги масканда давом эттирилади.

Бу — четдан туриб кузатувчининг фикри ва у ҳаққонийдир. Аслида коррекцион таълимда ҳар бир бола билан яккама-якка ишлашнинг мураккаб жиҳатлари ўзгаларга маълум бўлмаслиги мумкин. Катта куч, бой тажриба, сурдопедагогик маҳоратга эга бўлмаган мутахассис бундай даргоҳда ишлай олмайди. Муассаса раҳбари Хумайё Тошмуҳаммедова ўз педагогларида айнан шундай хислатлар мужассам эканлигини ота-оналар эътирофидан англайди. Зеро, тақдир зарбасига учраган нуридийдаси билан етук мутахассисларнинг шуғулланаётганлигидан ота-оналарнинг қам кўнгиллари тўқ.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири.

Суратда: 442-махсус мактабгача таълим муассасаси сурдопедагоги А.Мимбаева машғулот ўтказмоқда.

ГУРУҲДОШЛАР СИНФДОШГА АЙЛАНГАНДА

Tajriba

ютуқлар кўзга ташланмоқда

Битта МТМ ва бир гуруҳда тарбияланган болажонларнинг синфдош бўлиб ўқишига гувоҳ бўлганмисиз? Бу ҳол уларнинг мактабга мослашуви ҳамда ўзлаштиришида нечоғлик аҳамиятли бўлиши ҳақида мулоҳаза юритганмисиз?

Сирғали туманидаги 552-МТМда 300 нафардан ортиқ кичкинтойлар таълим-тарбия олади. Улар учун таэквондо, гимнастика, инглиз ва рус тили тўгараклари ташкил этилган бўлиб, ҳафтанинг ҳар жума куни "Соғломлаштириш куни"дир.

Масканнинг тажрибали педагогларидан бири Фотима Сиддиқова мана 20 йилдирки, мактабгача таълим тизимида фаолият кўрсатиб келади. Ўтган давр мобайнида тарбиячи қанчадан-қанча кичкинтойларга таълим-тарбия берди, уларни мактабга кузатди. Эндигина тетапоя қилишни ўрганиб, МТМга чиққан болажонлар тарбиячи кўз ўнгида билағон ва зукко жажжиларга айланишар экан, ҳар гал Фотима опа улар билан хайрлашув чоғида фахр ҳиссини туяди.

— Баъзида мен, тарбияланувчиларимнинг 2-3 нафари бир синфдаю, яна 2-3 нафари бошқа параллел синфда ўқиётганини кўрардим. Албатта, ота-она боласини ўзи истаган ўқитувчига топшириши мумкин, бироқ бир гуруҳда улғайган болалар мактабга чиққач ҳам битта синфда ўқишса, бу уларнинг мактабга мослашувию, ўзлаштиришида ҳам ниҳоятда ижобий ҳодиса, — дейди тарбиячи.

2007-2008 ўқув йилида МТМнинг тайёрлов гуруҳида 25 нафардан ортиқ тарбияланувчи мактабга тайёрланди. Тарбиячи ота-оналарнинг истак-хоҳишини ўрганиб, ўқув йили якунига етмасдан, кимнинг қаерда биринчи синфни бошлашига аниқлик киритди. Тарбияланувчилар орасидан 15 нафари ана шу ҳудуддаги 104-мактабга чиқиши маълум бўлгач, уларнинг ота-оналарига болалари мактабда ҳам синфдош бўлиб ўқишса, бу улар учун ҳар томонлама яхши бўлишини тушунтирди. Ота-оналар бу таклифни бажону дил қабул қилдилар. Фотима опанинг ташаббуси мактаб маъмурияти томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Болалар бошланғич синф ўқитувчиси Нурия Ўразева синфида таҳсил оладиган бўлди.

— Уларни ўқитиш давомида ўзига хос хусусиятларини сездимки, аввало ота-оналар ҳам бир-бирини, фарзандларини яхши танийди ва улар уюшган ҳолда иш тутишга одатланган. Бу эса менга ота-оналар билан ишлашимда енгиллик туғдирди, — дейди Н.Ўразева. — Албатта, дастлаб мактабга келганида улар орасидаги дўстлик алоҳида сезилиб турар, бир-бирларига кўпроқ ғамхўр эдилар. Ўқувчиларнинг ҳаммаси "4" ва "5" баҳоларга ўқиб, мактабга тезда мослашиб кетдилар. Уларнинг бошқа ўқувчиларимга ҳам ижобий таъсири сезилди.

Синф журналига назар ташлаймиз. 2008-2009 ўқув йилида 1-"А" синфини фақат "4" ва "5" баҳога ўзлаштирган ўқувчилар 87—88 фоизни ташкил этган бўлса, 2009—2010 ўқув йилининг биринчи ярмида мазкур кўрсаткич 89—90 фоизни ташкил этган. Бу эса улардан олдинги ўқувчиларнинг айнан шу даврдаги кўрсаткичига нисбатан 3—4 фоиз юқори натижа деганидир.

Нурия Ўразева дарсдан кейин ҳам ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар ўтказади. Ўқитувчи ҳар бир бола характеридаги нозик жиҳатларни билади, ота-оналар билан ҳамкорликни мустаҳкам йўлга қўйган. Бу борада 552-МТМ, хусусан тарбиячи ва МТМ психологининг мактаб билан яқин ҳамкорлиги қўл келмоқда. Мактаб директори Адиба Каримованинг айтишича, МТМ тарбиячилари тез-тез мактабга келиб, ўқувчиларнинг ўзлаштириши билан қизиқиб туришади. Тайёрлов гуруҳи болаларининг мактабга олиб келиниб, уларда таълим масканига бўлган қизиқиш ва иштиёқининг кучайтирилиши ҳам эътиборга моликдир.

Ўрта гуруҳ тарбиячиси Дилором Қурбонованинг тарбияланувчилари қўғирчоқ театридаги саҳна кўринишларида тенгдошларининг мактабда одобли, ақлли, бола бўлиб ўқиётгани, устозининг гапига кирмаган болалар эса дангаса ва ақлсиз бўлиб, кўпчиликнинг кулгусига қолаётганини намойиш этишади.

Илк машғулот "Маънавият дақиқаси" билан бошланади. Одоб-ахлоқ катталарга ҳурмат кўрсатиш мавзуларида суҳбат олиб борилар экан, ақлни ривожлантирувчи бурчаклар, нутқ ўстириш ва теварак–атроф билан танишиш, мусиқий ва жисмоний машғулотларда болалар маънан, руҳан ва жисмонан мактабга тайёрлаб борилади.

— Бу йилги тайёрлов гуруҳларимизда, — дейди МТМ методисти Елена Лионтьева, — 21 нафар бола бўлиб, тарбиячи Малика Убайхунова ва Елена Кудришова тарбияланувчиларнинг мактабга муваффақиятли мослашиб кетиши учун бор маҳоратларини ишга солмоқда. МТМ жамоаси ўз тажрибаларини кейинги йилларда ҳам давом эттириб, янада яхши натижа ва кўрсаткичларга эришиш ниятида.

Дарҳақиқат, педагогик жамоанинг, кейинги таълим босқичида ҳам тарбияланувчилари тақдирига қизиқиши ўзига хос тажрибадир. Агар ҳар бир педагог шундай ҳаётий тажрибани ўз фаолиятида қўллаб, таълим самарадорлигини оширишга ҳаракат қилса, бу ўзининг ижобий натижаларини бериши табиий.

Зебо НАМОЗОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Do'stlar bilan oramizda yaqinlik paydo bo'lib, keyinchalik bir burda nonni teng bo'lishib yeyishga, birimizning muammomizga ikkinchimiz yordam berishga, buning iloji bo'lmaganda esa taskin-tasalli bilan ruhini ko'tarishga odatlandik.

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

ЎЙ ВА МАҚСАД

...Синфда тенгқурлари кўп бўлса-да, бола уларнинг барчаси билан яқинлашиб кета олмасди. Ким биландир дардлашгиси, унга сирларини айтгиси келган бола отасининг насиҳатларини ўз ақл тарозисига соларди: «Инсон ҳаётда дўст орттириши керак, яхши-ёмон кунда унга суянасан. Сенга ҳамфикр, феъл-атворингга мос дўст топишга ҳаракат қил, уни танлашда адашма».

Кунлар кетидан кунлар ўтар, бола синфдошлари орасида ўзи билан нисбатан яқинроқ муносабатда бўлаётган Бахтиёр билан дўстлашиш илинжида эди. Кузатардики, синфдошлари баъзан уч, баъзан тўртовлон бўлиб, дарс мавзуси, оилавий муносабатлар, юриш-туриш ҳақида гаплашишарди. Синф раҳбари Лола опа тарбиявий соатлардан бирида дўст танлаш, у билан сирлашиш, унга суяниш ҳақида шундай деб қолди:

— Дўст билан обод уйинг
Гар у бўлса вайрона ҳам.
Дўст қадам қўймас экан,
Вайронадир кошона ҳам,

дея шеър битган шоиримизнинг фикрлари жуда ҳаққонийдир. Инсон ўз умри мобайнида ота-онасига, жигарларига суянади, аммо у қалб кечинмаларини баҳам кўришда энг яқин ҳамдам — дўстга эҳтиёж сезади. Халқимизда «Дўстинг мингта бўлса-да, кам, душманинг битта бўлса ҳам кўп» деган нақл юради. Кайковуснинг «Қобуснома» асарини ўқисангиз, унинг 28-боби «Дўст тутмоқ зикрида» деб номланади. Муаллиф ўз ўғли Гилоншоҳга қарата шундай дейди: **«Эй фарзанд, билғилки, то киши тирикдур, дўстсиз бўлмағусидир. Кишининг дўстсиз бўлғонидин биродарсиз бўлғони яхшидур. Бир ҳакимдан сўрадилар: «Дўст яхшироқдирму, ё биродар?» Ҳаким айтди: «Дўст бўлса яхшидур».**

Демак, дўстларнинг иши ҳақида ўйлағил, уларга ҳадялар бермоқ, мурувватлар қилмоқ била дўстлик қоидасин маҳкам қилғил. Нединким, ҳар киши дўстларни ёд қилмаса, дўстлар ҳам ёд қилмагусидур ва ул киши ҳамиша дўстсиз қолғусидир».

...Бола бир неча кунгача ана шу ҳикоя таъсирида юрди ва синфдошлари орасида нисбатан унга анчайин яқин бўлиб қолган Бахтиёр билан дўст тутиниш масаласида отасига маслаҳат солди.

— Яхши ўйлабсан, ўғлим. Оилавий томондан солиштирсак, ўзимизга ўхшаб топиш-тутиши, демак, яшаш тарзимиз ҳам бир-бирига ўхшаш. Отаси шофёр, танийман. Бўлмаса, мен у киши билан маслаҳатлашай, сизларни дўстлаштиришимиз лозим.

Орадан кўп ўтмай, Зикрилла ва Бахтиёрнинг ота-оналари ўзаро келишиб, фарзандларини дўстлаштиришга қарор қилдилар. Уларга қувончли кунда ҳам, мусибатли дамларда ҳам бир-бирларининг ёнида бўлиш уқтирилди. Ўзаро ишонч, ҳурмат, меҳр-оқибат, садоқат, вафодорлик пойдевори бўлган дўстликнинг боқий қолиши ва бу мерос сифатида уларнинг фарзандларига ҳам ўтишини ота-оналаридан эшитган ўғлонлар бир-бирига сирдош, суянчиқ, кечиримли бўлишга аҳд қилдилар.

Мана, уларнинг 12 ёшлигида бошланган дўстлик 40 йиллик анъанага айланди. 52 ёшдаги бу кишилар ўз аҳдларига содиқ қолганликлари бошқаларда ҳавас уйғотади. Оилавий борди-келди, яхши ва ёмон кунлардаги шериклик, айб ўтганда кечиримлилик — икки дўст барча-барчасини бошдан ўтказдилар. Падари бузруквор-лари айтганларидек, улар ўртасида кўзга кўринмас ришта билан юзага келган муносабатни фарзандлари ҳам давом эттиришмоқда.

ЗАМОНДОШИМ, ДЎСТИНГИЗ БОРМИ?

Дарҳақиқат, ҳаётда муносиб дўст орттириш, унга ҳар қандай вазиятда суяниш киши умрига мазмун бағишлайди, иймон-эътиқодини мустаҳкамлайди. Халқимизда бу анъана қадим-қадимдан мавжуд. Дўст танлаш, унинг маслаҳат ва йўл-йўриқларига таяниш мавзусидаги бизга қадар етиб келган эртак, ривоят ва афсоналар катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Замондошларимиз бу қадриятга қандай муносабат билдиришади?

Ёрқин АБДУЛЛАЕВ, Тошкент молия институтининг илмий ишлар бўйича проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор, 68 ёшда:

— Инсон бу дунёдаги энг катта жумбоқдир, унинг оламида ҳали очилмаган ва ечилмаган сирлар кўп. Ҳар бир киши бир олам. Дўст танлаш, уни қидириб топиш, сақлай билиш киши ҳаётидаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Адашамиз, қоқиламиз, энг кўп қоқилиш дўст танлаш бобида рўй беради. Чиндан ҳам сирдошингиз душманлик чодирига бурканиб олса, азият чекасиз. Аммо ўзимиз баъзан билиб, баъзан билмай бошқа бир одамга душманлик қилиб юрганимизни англаймизми? «У ёмон одам, менга душман» деймиз, айбни ўзимиздан ахтармаймиз. Дўст танлаш бобида ўзим риоя қиладиган етти қоида бор. **1. Дўст ақлли бўлсин, зеро, «Ақлсиз дўстдан ақлли душман яхши» деган фикр бор. 2. У камтар ва хушфеълми? 3. Муросаю мадора қилувчи киши билан дўст тутининг. 4. Вақтнинг қадрига етувчи, бурчини англовчи ва ваъдага вафоли бўлсангиз, марра сизники.5. Олов билан оловни ўчириб бўлмайди, жаҳл чиқса, ақл қочар. Дўстингиз жаҳл отига миниб турганда, сиз битта гапдан қолинг. 6.Кечиримли бўлинг, гоҳо дўстлик ришталарининг узилишига бир оғиз айтилган ножўя гап ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Хиёнатдан бўлак барча хатоларни кечириш мумкин. 7. Садоқатли дўст дўстининг бошига мусибат тушса — бардош, маслаҳатга эҳтиёж туғилса — маслакдош, хавф-хатар туғилганда — қалқон бўлиши керак.**

Менинг дўстларим оз эмас. Умримнинг энг гуллаган — ёшлик даврида ўз дунёқарашимга мос дўст танлаш зарурлигини англаганман. Юқорида зикр этганларим эса йиллар мобайнида худди марварид доналаридек тизилиб, ҳаётимга маъно-мазмун бахш этди. Кўп йиллардан бери «Осуда яшашнинг 99 сири» деб номланган оммабоп китоб яратиш устида иш олиб бораяпман. Ана шу сирларнинг ўн саккизинчиси дўст танлашга бағишланган бўлиб, етти қоида шундан бир шингилдир. Ушбу қоидаларни ўзида тўлиқ мужассам этган инсонни 1968 йилда топганман. Мана, қирқ йилдирки, у билан қадрдонмиз, фикрларимиз яқин, яхши-ёмон кунларда доимо биргамиз.

Tarbiyaviy soatlarda

Муҳиддин НАРЗУЛЛАЕВ, Халқ таълими аълочиси:

— Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетида ўқиб юрган кезларим. Яқин-йироқдан курсдошлар кўп. Характери, юриш-туриши, дунёқараши бир-биридан фарқланадиган ҳамкурслар ўзига яқини билан тезда тил топишиб кетишар, дарсларда ҳам ёнма-ён ўтиришарди. Дўстлар билан орамизда яқинлик пайдо бўлиб, кейинчалик бир бурда нонни тенг бўлиб ейишга, биримизнинг муаммомизга иккинчимиз ёрдам беришга, бунинг иложи бўлмаганда эса таскин-тасалли билан руҳини кўтаришга одатландик.

Университетни тамомлаганимизга 27 йил бўлаяпти. Аммо бу йиллар орасида дўстларимиз билан алоқамиз узилгани йўқ, оилавий борди-келди ўрнатдик.

Тиллохон ҚЎЗИЕВА, Асака туманидаги 11-умумтаълим мактаби раҳбари:

— Мактабимизда 28та синф бор, шундан 11таси бошланғич синфлардир. Халқимизнинг азалий қадриятларини ўзимизда қандай шакллантирган бўлсак, фарзандларимиз бу жиҳатдан биздан зиёда ва устун бўлишини истаймиз. Таълимнинг олдига қўйилган мақсад чексиз, айни пайтда тарбия деб аталмиш узлуксиз давом этадиган ва ҳеч қачон танаффус бўлмайдиган жараёндаги вазифалар бундан-да бисёр. Мактабимизда чоршанба — «Маънавият куни» деб эълон қилинган. Ўтилажак тарбиявий соатларда асосий диққат-эътибор кўп асрлик тарихни ўзида мужассамлаштирган халқимиз урф-одатлари, қадриятларига қаратилади. «Миллий ғоя» туркумидаги фанларда ўз йўналиши ва таснифидан келиб чиқиб, энг улуғ, энг азиз қадриятлар фарзандларимиз онгига, шуурига сингдирилиши керак. Юқори синфларга мўлжалланган дарсликда «Дўст тутиниш одоби» мавзуси ҳам ўрин олган. Мавзу бўйича дарс ўтилганда, бунга доир ривоят ва эртаклар билан бир қаторда жонли мисоллар келтирилади. Икки қадрдон дўст ҳақида сўрасангиз, болалар бийрон-бийрон сўзлашади. Айни пайтда миллатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик туфайли мамлакатлар ҳам ривожланишига мисол тариқасида Ўзбекистоннинг жуда кўплаб давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатаётгани айтилади.

Дарвоқе, дўст чин маънодаги суянчиққа айланиши учун уни тўғри танлаш муҳимлигини турмушнинг ўзи тасдиқлайди, бу — исбот талаб этмайдиган ҳақиқатга айланиб улгурган. Мавзуга нуқта қўймоқ фурсати етган бўлса-да, нимадир айтилмай қолгандек бир ҳолатдамиз, бу — табиий. Биргина мақолада дўст танлаш машаққати, у билан ўрнатилажак муносабатнинг барча қирраларини ифодаламоқ мушкул туюлади.

Алқисса, содиқ дўстга эгамисиз, унда сиз бир умрлик ҳамроҳни тўғри танлабсиз.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ЎҚИТУВЧИ ИЗЛАНУВЧАН БЎЛСА

Болага эркин фикр жуда зарур. Ўқувчининг мустақил фикрга эга бўлиши, у олаётган билимнинг чуқур ва мустаҳкамлиги, энг муҳими, давомийлигини таъминлайди.

Шу боис тажрибали ўқитувчилар бу масалага таълим-тарбиянинг зарурий шарти сифатида алоҳида эътибор қаратади. Бугун бола олдида кўндаланг бўлган бирор масала ёки муаммо эртага яна шу ҳолича такрорланмайди. У вақт ўтган сари янгича кўринишда, қиёфада бўй кўрсатади. Ана шундай дақиқаларда кишининг мустақил фикрга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Tajriba

Болада эркин фикрни шакллантиришда бошланғич синф ўқитувчиларининг роли катта. Ҳар бир ўтилаётган мавзу юзасидан шунчаки китобга таяниб қолмай, ўқувчиларни ҳам мушоҳадага торта олган устоз болаларни фикрлашга ўргатиб боради. Ана шунда ўқувчиларимиз изланишни, турли қарашларни таҳлил қилиб, энг тўғри йўлни топишни ўрганадилар.

Нишон туманидаги 5-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Дилрабо Файзуллаева ўз билими билан ўқувчиларга сифатли таълим-тарбия бериш, уларнинг ҳар томонлама етук, билимли ва зукко инсонлар бўлиб улғайиши учун хизмат қилиб келаётган фидойи ўқитувчилардан. У дарс жараёнида ўқувчиларининг мустақил фикрлаши ва уни бемалол баён эта оладиган бўлиши учун ҳаракат қилади.

Педагогнинг фикрича, ўқувчи ўз фикрини мустақил равишда баён қила олмаса, ўқув материалини ҳам ўзлаштиришда қийналади. Шу боис, таълим ва тарбияни узвийликда мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб келаётган Дилрабо ҳам мазкур талабларга асосланиб фаолиятини ташкил қилишга эришган.

У бошланғич таълим ривожи борасида озми-кўпми эгаллаган билимини нафақат дарс машғулотларида қўллайди, балки туман, вилоят ва республика матбуотида ҳам ҳамкасбларини турли педагогик мавзуларда баҳс-мунозаралар билан фаоллаштиришга ҳаракат қилади "Бошланғич синфларда «Конституция алифбоси» фанини ўқитиш", «Ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш» каби мавзулардаги ижодий дарс ишланмалари яқинда туман методика хонаси тавсиясига биноан оммалаштирилди.

— Кўпинча ўқитувчилар «янги педагогик технология» деб уларни ҳамма дарсларида ҳам услубнинг мавзуга мос ёки мос эмаслигини ўйлаб ўтирмасдан қўллай бошлайди. Ваҳоланки, ҳар қандай мавзуга ҳам «Кластер», «Ақлий ҳужум» каби усуллар тўғри келавермайди. Уларни нотўғри қўллаш дарснинг мазмундорлигини камайтириб, баъзида вақтнинг беҳуда сарфланишига ҳам олиб келади. Шу боис мен режа тузаётган чоғимдаёқ қайси мавзуни қандай услубда ўтишим кераклиги ҳақида ўйлайман, изланаман, — дейди бу ҳақда педагогнинг ўзи.

Дарҳақиқат, бугун изланмай, ўз устида ишламай туриб, педагог ўқувчилари меҳрини қозона олмайди. Қолаверса, соҳасини севган мураббий борки, юз бераётган янгиликларни бугун ҳаммадан биринчи ўзлаштириб, фаолиятида муваффақиятли қўллашга ҳаракат қилади. Дилрабо Файзуллаева эса бундай янгиликларни нафақат биринчилардан бўлиб ўзлаштиради, балки уларни ёш ҳамкасбларига ўргатишни ҳам ўз бурчи деб билади. Улар билан биргаликда ҳар қандай ишга ижодий ёндашади. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичида бу муаллиманинг муваффақиятли иштирок этганлиги ҳам юқоридаги фикрларимизни тўла асослайди.

Г.НАЗАРОВ,
Қашқадарё ВПКҚТМОИ
катта ўқитувчиси

Bu yerda Iskandarning mashhur so'zi saqlanib qolgan: "Ko'p maqtashgan, lekin ishonmagan edim. Bugun o'z ko'zim bilan ko'rib shunga amin bo'ldimki, yetti iqlimga dong'i ketgan Samarqandning ovozasi haqiqat ekan. U ovozasiga qaraganda ham go'zalroq!".

Ma'rifat
2010-yil 17-fevral

Asliyatdan tarjima

Ханбия

ДУНЁНИ УЧ ЯРИМ МАРТА ЯЁВ КЕЗГАНДА...

"Шамол қизи" саёҳатномасидан

(Давоми. Боши газетанинг 10 феврал сонида.)

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ОЧИҚ МУЗЕЙИ

Марказий Осиё саёҳатчиларига ўтиладиган умумий семинарларда Марказий Осиёда энг гўзал ва кўрса арзигулик жойлари кўп мамлакат, дея Ўзбекистон эътироф этилади. Бир пайтлари бу юрт Буюк Ипак йўлидаги савдо маркази бўлган, ислом дини тарқалгандан кейин эса, дин ва илм марказига айланган, дейишади. Асосан Бухоро ва Самарқанд чиройи, табиатига ошуфта бўлган шоҳлар бу шаҳарларни галма-галдан пойтахт қилдилар. Бор куч ва имкониятларини сарфлаб, мусобақалашгандек муҳташам масжиду мадрасалардан иборат ислом марказлари бунёд этишди, бетакрор асарлар дунёга келди. Натижада бу икки шаҳар бамисоли осмон остидаги очиқ музейларга айланди.

Бухородаги қадимий бинолар қарийб бир юз қирқта, барчаси маданий бойликлар сифатида асрлар оша асраб келинаётир. Атрофни пиёда айлансангиз, 30 минутлик йўл, унча катта жой деб бўлмайди. Қадимги карвонсаройлар, муҳташам масжиду мадрасалар, сарой ва тарихий шахсларнинг мақбаралари бор. Энг эътиборлиси, Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган йўл кўрсатувчи минора ҳали ҳам қад ростлаб турибди. Баландлиги 47 метр бўлган бу минора ҳақида бухороликлар юзйилликларни кўрган дунёдаги энг баланд минора, деб фахрланадилар.



Минора Чингизхон шаҳарни забт этиб, култепага айлантиргандан кейин ҳам омон қолган. Бу ҳақда шундай афсона бор. Эмишки, Чингизхон минора олдидан ўтаётганида шамол қалпоғини учириб юборади. У қалпоғини оламан деб эгилади ва буни кўриб қолган маҳаллий аҳоли Чингизхон ҳам минора олдида бошини эгди, демак, уни бузиб бўлмайди, шундайлигича қолдирилади, деб ишонадилар...

Бухоро бунёдчилигининг юксак намуналари — мораларисиз-да, табиатан гўзал шаҳар. Аммо шаҳарни янада чиройли қилган нарса қадимий шаҳар ичида бугуннинг яшаб, нафас олаётгани. Тўрт юз йил бурун қурилган тимлар остида ҳали ҳам одамлар савдо қилишмоқда. Либослари ота-боболари кийган либослар билан бир хил. Қадимда барпо этилган масжид ва мадрасаларда эса, ҳали ҳам одамлар кунда беш маҳал намоз ўқиб, толиби илмларнинг Қуръон тиловати овозлари аниқ-тиниқ эшитилиб туради.

Ҳаттоки X асрда қурилган ҳаммомдан ҳалигача одамлар фойдаланаётгани кишини ҳайратга солади. World City(Дунё шаҳри)га кираверишда кўзга бирдан ташланадиган улкан мадраса ва масжид олдида ҳовуз, қишлоқ одамлари ҳовуз бўйидаги сўрида суҳбат қуриб, чой ичиб, шахмат суришмоқда.

Мен ҳам сўрида ўтириб кўринишидан ўзимизнинг мандуга ўхшаб кетадиган мантининг бир косасини бир чойнак кўк чой билан еб маза қилдим.

Ўзбекистонга келиб ейиладиган неъматнинг кўплиги учунми, камчилик кўрмадим. Қўй гўшти, картошка, сабзи, шолғом солиб, бизнинг юккежанг каби қайнатиладиган шўрва, тўғралган сабзи билан чопилган гўштни қовуриб пишириладиган киримпап–ёғли гуруч (палов), ҳар хил турдаги сабзавотлар солинган салкуксу–гуруч шўрва (мастава) ҳамда думалоқ-думалоқ хамирни қовуриб тайёрланадиган ва еяётганингизда қисир-қисир қиладиган манду каби оғизга хуш ёқадиган таомлар кўп. Қадимийлик ва замонавийликнинг ажойиб уйғунлашуви ҳамда мазали таомлар сабабли икки кунда кўриб улгурса бўладиган бу шаҳарда нақ тўрт кун қолиб кетдим.

ИСКАНДАРНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН ШАҲАР

Бухоро оддий, аммо юксак меъморлик санъати боис қадимда соҳибжамол деб аталган бўлса, Самарқанд нафис сайқал топган, замонавий соҳибжамол десам янглишмайман. Атроф ранг-баранг жило касб этади. Айтишларига қараганда, шаҳар Искандар Зулқарнайн босиб олиш учун келганида мустаҳкам ва баланд мудофаа девори билан ўралган Буюк Ипак йўлидаги афсонавий маскан бўлган экан. Бу ерда Искандарнинг машҳур сўзи сақланиб қолган: "Кўп мақташган, лекин ишонмаган эдим. Бугун ўз кўзим билан кўриб шунга амин бўлдимки, етти иқлимга донғи кетган Самарқанднинг овозаси ҳақиқат экан. У овозасига қараганда ҳам гўзалроқ!".

Гуллаб-яшнаган шаҳар 1220 йили Чингизхон босқини чоғида вайронага айлантирилган эди. Кейинчалик Амир Темур Самарқандни пойтахт қилиб, қисқа вақт ичида уни қайта тиклаб, шундай мафтункор шаҳар қад кўтарди.

Бу ердаги масжиду мадрасалар, машҳур шоиру олимларнинг мақбаралари Бухородагидан бошқача. Кўзни қамаштирувчи Регистон ва Шоҳизинда ансамбллари муҳташам биноларни бирлаштириб турибди. Атрофингизга боқсангиз, катта бир марварид қутиси ичига кириб қолгандек ҳис этасиз ўзингизни.

Томлари мовий масжид гумбазининг оч-яшил ранглари қуёш нурида товланаётган пайт "Воҳ, чиндан ҳам гўзал!", деб юборасиз. Бундай ажиб гўзалликдан завқланиб кетади киши. "Ислом дунёсининг марвариди" деган баҳо ҳеч ҳам ошириб айтилмаганлигига, чинлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Шу чоғ хаёлимдан нега бундай жой бизга маълум эмас? Нега эшитмаган эканмиз-а, бу мамлакат ҳақида? Биз билган ёки бизга маълум дунё тўғрисидаги билимлар жуда ҳам саёз ёки бир томонлама эмасмикан, каби ўйлар кечди. Марказий Осиёни кезиб чиқарканман, билмаган кўп жойларга бордим, сир-синоатга тўла гўзалликни томоша қилиб қувондим, гўё шу гўзалликнинг мазасини тотиб кўрдим.

Лекин Марказий Осиёда бир марта ҳам иссиқ хонада ухламадим. Сабаби – нанпанги (поли иситиладиган хонаси) бор чет элликлар фойдаланадиган меҳмонхоналарни чўнтагим кўтармади. Хона совуқлиги учун кеча кечқурун ҳам қалин кийиниб, бош кийимимни қошимгача бостириб, ёпинчиққа ўранганча ухлаб қолибман. Уйғонгач, керишиб эснадим, суякларим қисирқисир қилди. Демак, иссиқроқ хонага кўчиб ўтиш фурсати келган.

Бу бош оғриғи қайдан пайдо бўлганини ҳам билмай қолдим. Энди нима қиламан? Гази бор, иссиқ, лекин арзонроқ меҳмонхона излай бошладим. Ёнимдан ўтиб кетаётган 50 ёшлар атрофидаги эр-хотинга бир меҳмонхона исми ёзилган қоғозни кўрсатгандим, у ер жуда совуқ-ку, дея ўзаро гап талашиб қолишди.

– Сиз бормоқчи бўлган меҳмонхона қиммат, ҳам жуда совуқ. Яхшиси, бизникига юринг.

Хотинининг бу самимий маслаҳатини эри ҳам маъқуллади.

– Анави кўча муйилишидан ўтсак, биринчи уй бизники!

Уйимиз сиз излаётган меҳмонхонага қараганда иссиқроқ, деганларини эшитиб, секин ортларидан эргашдим.

Миллий услубда қурилган, деворлари баланд бу уйдан 12 ёшлар чамаси қизча югуриб чиқиб, менинг кимлигимни билмаса ҳам салом бериб, рюкзагимни олди ва чопиб уйга кириб кетди. Оғир-босиқ уч ўғил ҳам қизиқувчанлиги устун келибми, изма-из мен ўтирган хонага кириб келишди. Бир бурчақдаги тош ўчоқда эса, мени хурсанд қилиб зангори олов лов-лов ёниб турарди.

Кечқурун овқат ва ижара ҳақини сўрайман деб ёндафтарчамни қўлга олволдим ва доим ёнимда юрадиган расмни стол устига қўйиб, юртим ҳақидаги ҳикоямни бошладим. Мезбонлар Осиё чемпионатида Ўзбекистон Корея футбол жамоаси устидан ғалаба қозонганини яхши билишаркан.

Лекин Корея қаерда жойлашган, қандай давлат – улар билмасди. Бирдан вужудимни ватанимдаги 40 миллионлик ватандошларимнинг бир вакилиман, деган туйғу чулғаб олди. Қачон, қаерда бўлмасин, улар "Корея" деган сўз хаёлларига келса, учратган энг биринчи корейс деб мени эслайдилар, деб ўйлаганим учундир, балки. Мен уларга оддий ҳаётимиз ҳақида бирма-бир сўзлаб, ҳақиқий турмуш тарзимиз қандайлигини билдиришни



Be Gimja opa menga orzudan voz kechmaslikni, bizga berilgan hayotda o'z yo'limizni topib, shu yo'ldan borishni, bor imkoniyatlardan foydalanib yashash va bunday umr eng go'zal umr bo'lishini o'rgatdi.

ҳақлардим. Катталар узатган сулни(гуруч сувидан қилинадиган ичкилик) кичиклар икки қўллаб ҳурмат билан олишлари ва ўзларидан катталар олдида улар ҳурмати учун орқага қараб ичишлари ва яна бошқа одатлари тўғрисида сўзлаб, корейс халқининг анъаналарини бор-бўйича кўрсатгим келарди.

МАКТАБДАГИ УЧ КОРЕЙС

Бу йил омадим келди. Сабаби – Янги йилни Самарқандда уч корейс билан бирга кутиб олдик.

Ёлғиз узундан-узоқ саёҳатларим давомида одамлар кўп сўрашади:

– Ўзингизни ёлғиз ҳис қилмайсизми?

– Эҳ, билмайсиз-да! Ёлғиз ҳис қилганда қандай? Мен ҳам одамман, ахир! Аммо, одатда, ёлғиз пайтларим сабр қиламан, жонимга тегса, ёлғизлик ўрнига, саёҳатлар бағишлаган қувонч ҳақида ўйлаб, ўзимни ўзим овутган бўламан. Лекин Янги йил каби байрамларни ёлғиз ўтказишдан қочиб, танишлар даврасига интиламан. Бу гал эса, Самарқандда корейслар билан байрам қилганимиз учун ҳам жуда хурсанд бўлдим, қувондим.

Самарқанд шаҳар маълумотлар бюросидан бу ерда корейслар ишлайдиган мактаб бор дегандай гап эшитувдим. Шу мактабни излай бошладим ва топдим. У ерда Америкадан келган уч корейс ўқитувчини учратдим: И Сонг-юн, Ким Сечан ва Бе Гимжа. Олтмишларга яқинлашиб қолган Бе Гимжа опа очиққўнгил, самимий экан, ёқтириб қолдим, менга ўз холамдек меҳрибонлик қилди.

Ўн кун шу киши билан бирга яшаб, илмли ва мендан катта бўлгани боисми, яна бошқа бир томондан – аёл бўлгани учунми, кўп нарса ўргандим. Машҳур судянинг қизи бўлган Бе Гимжа опа Кореяда туғилган. Турмуш қургач, отасининг бой хонадонидан кетиб, 10 йил ишлаб, оддий кун кечиради. Кейин бир тийинсиз Америкага боради ва илм эгаллагач, ўқитувчилик қилади. Ўтган йили эса, бу ерга келиб, иш бошлайди. Бе Гимжа опа ҳозир хўп гўзал ҳаётининг иккинчи ярмини ўтказмоқда.

– Сиз кимсиз?

Дарров мулойимлик билан "Аннёнг-ҳасеё?"(Ассалому алайкум), дея салом бериб, мактаб ичкарисига кирганимда, Бе Гимжа опа ҳайратланган бўлсада, босиқлик билан ҳол-аҳвол сўраб, ноқулай бир аҳволда қолгандек, мени қарши олди. Бирров кўраман-у, бир пиёла чой ичиб кетаман, деган ўй билан киргандим, бир соат ўтибди ҳамки, суҳбатлашиб, бир-биримизга тўймайганиз. Саёҳатларим таассуротини эшитиб, Бе Гимжа опа оғзини ланг очганча, ҳайратданми, ёш бола каби завқланиб қўяди.

– Вой, Ҳанбия! Сен қандай кучлисан-а? Қизиқ-а? Сен одамда тетиклик ва қувноқ кайфият уйғотасан. Сени кўриб қушдек енгил бўлдим, шижоатим жўшиб кетди, – деди у кулиб.

Ўзи юқори табақадан бўлиб, бойнинг ошини-ю, камбағалнинг ёвғонигача татиб кўрган Бе Гимжа опа менга орзудан воз кечмасликни, бизга берилган ҳаётда ўз йўлимизни топиб, шу йўлдан боришни, бор имкониятлардан фойдаланиб яшаш ва бундай умр энг гўзал умр бўлишини ўргатди. Саёҳатларда толиққан жисмим ва юрагимга қувват бўлган ҳам айнан Бе Гимжа опа эди. Хайрлашаётганимизда менга жуда мос бир ашула ҳам ўргатиб қўйди:

Тангрим, ўз ҳимоянгга ол,
қачон, қайда бўлмайин,
Тангрим, мени ҳимоя қил,
асра ўз паноҳингда.

Корейс тилидан
РАХШОНА таржимаси.

УЙҚУ ДАВОМИЙЛИГИ ЁШ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ

Кунига 8 соат ухлаш — бу меъёр, деган қараш ҳақиқатга унчалик ҳам яқин эмас. «Лайф Сайнс» нашрида одамнинг ёши ўтгани сайин ундаги уйқуга бўлган эҳтиёж ҳам камайиб бориши маълум қилинди. Қизиғи, ухлаш пайти давомийлигининг турлича бўлиши ҳам инсон ҳаётига у даражада зарар етказмас экан. Аксинча, агар уйқусизликка ортиқча берилмаса, бу мутлақо оддий ҳолат ҳисобланади. Англиялик профессор Дерк Ян Диж бошчилигида мазкур масалага бағишлаб ўтказилган изланишлар шундай тўхтамга келишга сабаб бўлди.

«Улғайиш жараёнининг нормал кечиши уйқу соатларининг камайиб бориши билан боғлиқ», дейишмоқда бу ҳақида тадқиқотчилар.

Олимлар уйқусизликдан азият чекмайдиган 110 нафар кўнгиллилар иштирокида тажрибалар ўтказишган. Қатнашчилар турли муддатли уйқу ва уйқусизлик ҳолатларида бўлган. Жараёнда уларнинг ухлашга бўлган истаги даражаси белгилаб борилди. Биринчи куни белгиланган 8 соатлик уйқу пайтида 20-30 ёшлилар ўртача 7 соат мобайнида ухлаган. 40-55 ёшдагиларда бу кўрсатгич 6 соату 37 дақиқага тенг бўлса, 66-83 ёш оралиғидаги инсонлар 6 соату 17 дақиқа вақтини дам олишга сарфлаган. Бошқача қилиб айтганда, энг кекса гуруҳ вакиллари энг ёш иштирокчиларга нисбатан 43 дақиқа кам уйқуда бўлганлар. Шу билан бирга, ёшлар кексаларга нисбатан уйқуга тез кетиши ҳам исботланди: бунинг учун катта ёшдагиларга 8 дақиқа кўпроқ вақт талаб этилар экан. Олинган натижалар масалага ойдинлик киритишига қарамай, у ёки бу одам қанча ухлаши зарур, деган саволга ҳамон аниқ жавоб бериш қийинлигини мутахассислар таъкидлашмоқда. Боиси, бунинг учун уйқу механизми ва функциялари борасидаги янада аниқроқ билимларга эга бўлиш лозим.

ИЛК МАРОТАБА ЭГАСИ АЛМАШАДИ

АҚШнинг етакчи биржа индексларидан бири «Доу Жонс Индустриал»нинг эгаси у ташкил этилган 1896 йилдан бери илк маротаба ўзгарадиган бўлди. Эндиликда унга Чикаго маҳсулотлар биржасини бошқарувчи «Жи-Эм-И Гроуп» компанияси эгалик қилади, деб ёзади «Уолл-Стрит Жорнал».



Мазкур индекс фаолияти фонд биржаларидаги ишлаб чиқариш ўзгаришларини назорат этиш, бу борадаги маълумотларни мониторинг қилишга қаратилган. Ҳозирда «Доу-Жонс» мамлакатнинг энг йирик 30та компанияларини ўзида жамлаган. Келишувга кўра, «Жи-Эм-И Гроуп» бундан буён индекснинг 90 фоиз акциясига эга бўлиши кўзда тутилмоқда. Гарчи индекс янги фирмага тегишли бўлса-да, келгусида ҳам унинг асосида ҳисобланадиган биржа кўрсаткичлари аввалгидай «Доу Жонс» номи билан юритилади.

ЭНГ ЯХШИ СУРАТ ЭРОНДА ОЛИНГАН

Дунё матбуотидаги ўтган йилнинг энг яхши сурати муаллифи сифатида италиялик Пьетро Мастурцо эътироф этилди, дейилмоқда wpp.org саҳифасида. Унинг жаҳон фотожурналистларининг энг нуфузли танловида ғолибликни қўлга киритган сурати 2009 йили Эронда сайловлар пайтида олинган.



Шунингдек, «Дунё матбуотидаги энг яхши сурат» мукофоти 21та номинация бўйича топширилиб, жами 63 нафар иштирокчилар унда ғолиб бўлган. Танловда 128 мамлакатнинг турли нашрларида фаолият кўрсатувчи журналистлар иштирок этган. Ҳакамлар ҳайъати икки ҳафта давомида улар тақдим этган юз мингдан ортиқ суратларни кўриб чиқиб, энг яхшиларини саралади.

КАСАЛЛИК САБАБИ АНИҚЛАНДИ

Олимлар дунёда энг кўп тарқалган касалликларидан бири — кўричакка олиб келувчи омилни аниқлашганини таъкидлашмоқда. Бир неча йил давомида Техас университети қошидаги Тиббиёт маркази ходимлари мазкур йўналишда тадқиқот олиб борган. Улар ушбу касаллик вирусли инфекция натижасида юзага келади, деган фикрни илгари суришаяпти. Бу эса, ўз навбатида, уни фақатгина жарроҳлик йўли билан эмас, балки антибиотик дорилар билан ҳам даволаш мумкин дегани.

«Компьюлента» манбасида айтилишича, грипп касаллиги авж олган пайтларда аҳоли ўртасида кўричак ҳам кўп кузатилган. Аммо бунда грипп касалликни юзага келтирган асосий омил бўлмаган. Тадқиқотчилар мазкур ҳолатни грипп одамларнинг иммунитет тизимини заифлаштиргани боис, улар кўричакни қўзғатувчи вирусни осонликча юқтириб оладилар, деб изоҳлашмоқда.



БРОНЗА ДАВРИГА ТЕГИШЛИ

Археологлар Ла-Манш бўғози соҳили, аниқроғи, Англиянинг жануби-ғарбидаги Девон графлигига қарашли ҳудудда ғарқ бўлган кема қолдиқларини топишган. Эътиборлиси, мутахассисларнинг фикрича, ҳалокатга учраган ушбу кема шу кунгача топилган энг қадимийларидан биридир. Денгиз фалокати эрамиздан аввалги 900 йилда содир бўлган, дея тахмин қилинмоқда, деб ёзади «Дэйли Миррор».

Ҳозирча кема оролга қалай ва мисдан ясалган 300га яқин қуймаларни олиб кетаётганида ҳалокатга учрагани аниқланди. Узунлиги 12 ва кенглиги 2 метрга тенг ушбу кема соҳил яқинидаги сув ости қоясига урилгани боис ғарқ бўлгани тахмин қилинмоқда.

Айтиш зарур, бронзани ҳосил қилишда қўлланиладиган асосий иккита ташкилий материаллар мис ва қалай ҳисобланади. Шундан, олимлар мазкур кема бронза даврига тегишли бўлган, деган фикрни илгари суришаяпти. Қолаверса, улар металлар бир эмас, аксинча, Ғарбий Европадаги бир нечта конлардан олинганини ҳам аниқлашга муваффақ бўлган. Масалан, мис Пиреней яримороли ва Альп тоғларидан, қалай эса ҳозирги Германиянинг шарқидан топилган экан. Яна бир жиҳат: мазкур ҳолат Европада бронза давридаёқ савдо-сотиқ кенг йўлга қўйилганини билдирмоқда.

Аслида тадқиқотчилар илгари ҳам Буюк Британия соҳилларида бронза даврига тегишли кемаларни топишганди. Лекин сўнгги топилма олдингиларга нисбатан ҳажман йириклиги ва ундаги юк яхши сақлангани билан алоҳида қимматга эгадир.

ОЛИМЛАРНИ ЎЙЛАНТИРИБ ҚЎЙДИ

Узоқ ўтмишда дунё океанларидаги сув сатҳи баландлиги тез-тез ўзгариб тургани маълум бўлди. «Сайнс» илмий журналида келтирилишича, бундан 80 минг йил илгари уларнинг сатҳи кескин равишда 16 метрга кўтарилиб, кейинчалик эса аввалги баландликка қайтган. Мазкур ҳолат олимларни таажжубга солгани боис, улар Ўрта Ер денгизидаги Майорка оролида қатор изланишлар олиб боришди.



Тадқиқотчилар оролнинг ғорларидаги сталактит (шипда осилиб турадиган сумалаксимон томчи ҳосила)ларни ўрганишган. Маълум бўлишича, ҳар гал сув сатҳи кўтарилиб, ғорлар сув билан тўлганда, бу ҳосилалар устида кальцит минерали зарралари сақланиб қолган. Ушбу минерал қолдиқлари ҳалқасимон шаклда бўлиб, улар маълум бир даврда океан сатҳининг энг паст ва энг баланд кўрсаткичи қандай бўлганини белгилаш имконини беради.

Олинган натижалар ёрдамида олимлар 80 минг йил аввал океан сатҳи ҳозиргига нисбатан бир метрга баланд бўлганини аниқлашди. Бунинг устига юқорида тилга олинган сув сатҳининг бирдан 16 метрга кўтарилиши жуда тез (ҳар юз йилда тахминан 2 метрга ошиб борган) содир бўлган. Баландликнинг тушиши ҳам шундай тез рўй берган. Океанларда кузатилган мазкур жараёнлар эса айни кундаги назарий қарашларга зиддир. Сув сатҳининг бу каби кескин ўзгариши улкан сув массалари тез суръатларда музликка айланиб, яна шиддат билан эриганини кўрсатмоқда. Ҳозирча мутахассислар мазкур жараёнларни юзага келтирувчи омилни аниқлашга муваффақ бўлишганича йўқ.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

U o'ziga kerakli ma'lumotni yengil-elpi gazetalar yoki dugonalaridan emas, balki o'z yaqinlaridan olgani ma'qulroq. Tibbiy savodxonlikning yetishmasligi ko'p hollarda jiddiy noxushliklarga sabab bo'ladi.

Ma'rifat
2010-yil 17-fevral

Sog'lom ona—sog'lom bola

ДОКТОРГА БОРСАК, УЯТ БУЛАДИМИ?!

Юртимизда соғлом авлодни вояга етказиш борасида жуда улкан ишлар амалга оширилянти. Жорий йилнинг «Баркамол авлод йили» дея номланиши, оналар ва болалар учун қатор дастурлар қабул қилиниши шулар жумласидандир.

Сир эмаски, фақат соғлом онадангина соғлом фарзанд дунёга келади. Ҳам жисмонан, ҳам маънан етук бўлажак она –қизлар эса оилада улғаяди. Оила улар учун энг биринчи мактаб. Бувижонлару онажонлар бўлғуси уй бекаси бўлмиш қизларига ўзларида бор барча билимларни — рўзғор тутиш, пазандалик, муомала ва кийиниш маданиятигача берадилар. Бироқ таассуфки, оилавий тарбиялар орасида тиббий саводхонлик масаласи назардан четда қолади.

Ҳаётда кўп учрайдиган бир ҳолат бор. Баъзан соғлом, кўркам юрган қиз турмушга чиқиши билан кетма-кет касалликлар гирдобида қолади. Буни айримлар янги уй, янги муҳит билан боғлайдилар, аммо бизнингча гап фақат бунда эмас. Бизнинг менталитетимизда одатда қиз боланинг докторга бориши ёхуд ёшлигида бирорта касаллик билан оғригани сир сақланади. Ушбу ёзилмаган қонунга кўра, оиладаги бўлғуси келинчак бирор жойи оғриганидан шикоят қилишни ўзига эп кўрмайди. Оғриқ жонидан ўтиб ёки журъати етиб бирор жойи касаллангани айтганида ҳам айрим оналар бепарво қўл силтаб қўя қоладилар. Қизларнинг ой кунларидаги оғрикда ҳам улар «Аёллар шифокори»га кўринишга кўпинча ор қиладилар. "Биров кўриб қолса нима деб ўйлайди", деган ҳадикда қизлардаги даволаш мумкин бўлган касаллик бора-бора сурункали хасталикка айланади. Бу эса оила қургач, янада яққолроқ кўринади. Вазиятдан келиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкин, қиз болани аёллар шифокорига оналар олиб бормас экан, мактабларда, олий ўқув юртларида йилда бир марта ташкил этиладиган тиббий кўрикларга ўқитувчи ва тиббий ходимлар янада эътиборлироқ бўлишлари талаб этилади.

Мавзуга доир яна бир жиҳат. Қиз боланинг табиатан уятчанлиги ўзидаги айрим ўзгаришларни айтишига йўл бермайди. Бунда оналар зийраклик билан қизини суҳбатга ундаши ёки бу ҳолатни синф раҳбари кўздан қочирмаслиги керак. Чунки қиз бола учун онадан яқинроқ маслаҳатчи бўлмайди. У ўзига керакли маълумотни енгил-елпи газеталар ёки дугоналаридан эмас, балки ўз яқинларидан олгани маъқулроқ. Тиббий саводхонликнинг етишмаслиги кўп ҳолларда жиддий нохушликларга сабаб бўлади. Мисол учун туғруқхонада бевосита гувоҳи бўлганим бир воқеани келтириб ўтсам.

Бир аёл қизини биринчи туғруқ учун олиб келган. Ҳомиладор аёлнинг туғишига ҳеч қандай тиббий аралашув шарт эмас. Ҳамма кўрсаткичлар яхши. Аммо она шифокорларга "Келинглар, қизим қийналмасин, болани сунъий йўл билан ола қолайлик", деб илтимос қиларди. Шифокорлар бир-икки марта босиқлик билан бундай қилиш шарт эмаслигини тушунтиришди. Бироқ аёл ҳадеб ялинавергач, ёши каттароқ доя аёл шундай деди:

— Ўз дарди билан фарзандни дунёга келтириш катта бахт-ку. Нега табиий йўлни эмас, сунъий йўлни танламоқчисиз?

Бугун айрим қизларимиз етарли тиббий маълумотга эга эмасликлари сабабми ёхуд озгина қийинчилик ва оғриқлардан қўрқиб, сунъий йўл билан туғишни хоҳлашаяпти. Бу ерда энди тиббий савод ҳақида гапириш ҳам бефойда.

Яна бир аёл эса тўрт маротаба сунъий йўл билан фарзанд кўрган. Тўрт фарзанди ҳам қиз. Энди аёлнинг докторлар билан бўлган тортишувига гувоҳ бўлинг:

— Бундан кейин сизга фарзанд кўриш мумкин эмас.

— Йўқ, бунинг иложи йўқ, — деб унамайди аёл.

— Ахир, бешинчи марта сизни операция қилишни ҳеч қайси доктор катта маблағ эвазига ҳам бўйнига олмайди, — дейди шифокор асабдан зўрға ўзини босиб.

— Мен ҳали ўғил кўраман, — мақсадини такрорлайди аёл.

Эндигина 28 ёшга кириб, тўрт бор тиғ остига киришга улгурган, тўрт бор наркоз (ҳушдан кетказувчи кучли укол) оғушида бўлиб, кейинроқ яна туғаман, деган аёл... Йўқ, уни фидойи деёлмайман. Шунчаки, у тиббий маданият ҳақида ўйлаб кўрмайди холос. У жисмидаги кучли уколнинг таъсири кетмай туриб яна ҳомиладор бўлаверади ва ҳар сафар жиддий хавфни бўйнига олаверади. Нега шу онда кундан-кун атак-чечак қилиб юра бошлаган, ширин-ширин сўзлай бошлаган бошқа фарзандлари учун ўзининг ҳаводек зарурлиги ёдига келмайди.

Шу ўринда оиладаги келинчакка муносабат масалаларига ҳам аҳамият қаратиш лозим. Аксарият оилаларда ёш келинчак ҳомиладор бўлса, ўзи хоҳлагандек овқатлана олмайди. Уй юмушлари билан чарчаган ҳомиладор келинчак витаминларга бой ҳар хил таомлару дармондориларга бой меваларни ейиш ўрнига уйидагилардан дакки эшитади. Мунтазам асабийлашиш, тўйиб овқат емаслик, тўйиб ухламаслик оқибатида чақалоқлар ҳам камқонлик, баъзан турли асаб касалликлари билан дунёга келади. Ачинарлиси, баъзи бўлғуси оналар ҳомиладорликда кенгроқ кийим эмас, эркаклар шимини танлашади. Бу эса кўп ҳолатларда фарзандларининг оёғида нуқсон билан туғилишига сабаб бўлади.

Бир китобда ўқигандим. Қайсидир чет мамлакатда ҳомиладор аёллар учун махсус кўкрак нишони таъсис этилган экан. У жамоат транспортига чиқса, кўкрак нишонини кўрганлар дарров жой бўшатишар экан. Яна бир чет мамлакатида эса мабодо сиз ҳомиладорсизу, сиз билан кимдир баҳслашаётган бўлса, унга ўз ҳолатингизни айтишингиз, баҳснинг тугаши учун кифоя қиларкан.

Албатта, ҳомиладорлик ва фарзанд тарбияси борасида бизнинг аждодларимиз қолдирган одатлар, удумлар ҳам талайгина, фақатгина биз улардан ўз ўрнида фойдалана олсак қанийди.

Зухра БОБОХЎЖАЕВА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2380-UZB/ICB01-сонли «Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг 438 та қишлоқ мактабларига махсус ўқув лаборатория жиҳозларини етказиб бериш ва ўрнатиш» юзасидан ўтказилган тендер савдосининг 1, 2, 3 ва 4-сонли ЛОТлари бўйича тақдим этилган тендер таклифларини баҳолаш натижаларини маълум қилади.

Лот №1 «Биология синф хонаси учун ўқув лаборатория ускуналари тўплами»

Иштирокчининг тартиб рақами	Иштирокчининг номи	Пакет очилгандаги таклиф этилган нарх (АҚШ долларида)	Якуний нарх (АҚШ долларида)	Эгаллаган ўрни бўйича тартиб рақами
10	PE "KALORAMA"	96 100.15	95 478.00	(1)
11	OOO "Good Luck"	98 022.15	99 374.26	(2)
4	SPA "ELXOLDING Co. Ltd"	100 939.73	100 939.73	(3)
3	Edustore A.S.	135 831.20	135 833.94	(4)

Лот №2 «Кимё синф хонаси учун ўқув лаборатория ускуналари тўплами»

Иштирокчининг тартиб рақами	Иштирокчининг номи	Пакет очилгандаги таклиф этилган нарх (АҚШ долларида)	Якуний нарх (АҚШ долларида)	Эгаллаган ўрни бўйича тартиб рақами
10	PE "KALORAMA"	150 422.18	148 252.45	(1)
11	OOO «Good Luck»	153 430.63	154 395.96	(2)
4	SPA "ELXOLDING Co. Ltd"	159 394.38	159 394.38	(3)
3	Edustore A.S.	185 103.00	185 113.64	(4)

Лот №3 «Физика синф хонаси учун ўқув лаборатория ускуналари тўплами»

Иштирокчининг тартиб рақами	Иштирокчининг номи	Пакет очилгандаги таклиф этилган нарх (АҚШ долларида)	Якуний нарх (АҚШ долларида)	Эгаллаган ўрни бўйича тартиб рақами
3	Edustore A.S.	1 886 478.53	1 789 411.68	(1)
4	EL XOLDING	2 019 660.95	2 019 660.95	(2)
11	OOO «Good Luck»	2 028 211.21	2 026 887.91	(3)
10	PE "KALORAMA"	2 069 625.90	2 035 659.77	(4)

Лот №4 «Кимё ва Биология бирлашган синф хонаси учун ўқув лаборатория ускуналари тўплами»

Иштирокчининг тартиб рақами	Иштирокчининг номи	Пакет очилгандаги таклиф этилган нарх (АҚШ долларида)	Якуний нарх (АҚШ долларида)	Эгаллаган ўрни бўйича тартиб рақами
10	PE "KALORAMA"	1 767 119.59	1 731 802.44	(1)
11	OOO «Good Luck»	1 802 461.98	1 802 459.08	(2)
4	SPA "ELXOLDING Co. Ltd"	1 858 988.32	1 858 988.32	(3)
3	Edustore A.S.	1 877 216.09	1 877 206.51	(4)

Халқ таълими вазирлиги барча иштирокчи компанияларга халқаро рақобат савдоларида иштирок этганликлари учун миннатдорчилик билдиради.

Fikr

ЯХШИ МУҲИТДА ЭЗГУЛИК ҲУКМРОН

Ёмонларнинг айби билан жиноят кўчасига кириб қолган яхши оилаларнинг мўмин-қобил фарзандлари тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи бу саҳна асари ҳеч бир томошабинни бефарқ қолдирмайди. Ана шундай ёмонлик қурбони бўлган болалардан бири Асрор образи орқали очиб берилган.

Ёш томошабинлар театрида режиссёр Олимжон Салимов томонидан саҳналаштирилган "Заҳарли томчилар" спектаклида ўсмир ёшдаги болалар тарбияси, уларни бир зум бўлса-да, назоратсиз қолдиришнинг аянчли оқибатлари, енгил-елпи ҳаёт тарзига ўрганиб қолишлари таъсирчан саҳналар орқали ифодаланган. Спектакль болалар ахлоқ тузатиш меҳнат бўлинмаси воқеалари лавҳаси билан бошланади. Шунинг ўзиёқ томошага келган ҳар бир ўқувчини, унинг ота-онасини сергак торттиради.

Режиссёр саҳнага айнан ўсмирларга таъсир кўрсата оладиган психологик воқеалар, деталларни олиб чиққан. Назоратсиз қолдирилган боланинг жиноят кўчасига киришга мойил бўлишини тўда бошлиғи Қамариддин образи орқали томошабинга етказиб берилган. У ҳам вақтида яхши ўқиган, фаол ўқувчи бўлган. Лекин уни ўз вақтида тўғри йўлга соладиган инсон бўлмаганлиги сабаб шу йўлни танлаган. Аммо қалбининг қай бурчагидадир инсоний фазилатлар сақланиб қолган. Буни унинг жиноятчи фош бўлиб қамоққа кетаётган пайтдаги дўсти Асрорга "Сен ўқигин, албатта, олим бўлишинг керак" деб айтган сўзларидан ҳам англаб олиш мумкин.

Асосий мақсади фарзанд тарбияси, ўқувчи ўсмир-ёшлар ҳаётининг нозик жиҳатларини тасвирлаш ва шу орқали уларни тўғри йўлдан юришга ундашдан иборат бўлган ушбу спектакль томошасидан қайтар эканман, энг аввало, ушбу саҳна асарини ҳар бир ўқувчи ота-онаси билан бориб кўришини ва хулоса чиқаришини истадим. Қолаверса, биз ёшлар ҳам ўз билимимиз, яхши хулқимиз билан ёмон йўлга кириб кетаётган болаларни қайтаришимиз лозимлигини англаб етдим. Зеро, яхши муҳит бор жойда доимо эзгулик ҳукмрон бўлади.

Ирода АБДУЛЛАЕВА,
талаба

To'garak qatnashchilarining ham aksariyati polvonlar avlodi, shu yo'nalishda alohida iqtidorga ega bo'lgan bolalar. Ularning ko'pchiligi to'y va bayramlarda, tuman va viloyat miqyosidagi musobaqalarda o'zlarini ko'rsatishayapti.

МАҒЛУБИЯТСИЗ ТЎҚҚИЗ УЧРАШУВ

«Universiada—2010»

Юртимиз спортида йўлга қўйилган ва муваффақиятли давом эттирилаётган уч босқичли мусобақалар тизимида куч-ғайратини билим ва идрок билан уйғунлаштирган талабалар иштирок этувчи "Универсиада"нинг айрича ўрни ҳамда юксак нуфузи бор.

Ватанимиз шаънини халқаро майдонлардаги оламшумул турнирларда муносиб ҳимоя қилаётган спортчиларнинг аксариятини ҳам айнан мураккаб синовлар ва чинакам курашларга бой тарзда ўтувчи "Универсиада" кашф қилиб беради, десак янглишмаган бўламиз.

Жорий йилда Андижон шаҳри мезбонлик қилувчи "Универсиада — 2010" мусобақаларига республикамиз бўйлаб жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Пойтахтимиз ва вилоятлардаги барча институт ва университет талабалари бундай улкан спорт байрамига бориш учун бор имкониятларини, шижоатини сафарбар этаётир.

Маълумки, уч тизимли спорт мусобақаларида Тошкент шаҳридан қатнашувчи ҳаваскор-спортчилар доимо кўпчиликни ташкил этган. Бунинг биргина сабаби — вилоятларда бир ёки иккита институт ва университет мавжуд бўлса, бошкентимизда кўплаб олий ўқув юртлари фаолият юритади. Шунинг учун ҳам аксарият мутахассису иштирокчилар 12та спорт тури бўйича Тошкент шаҳри терма жамоасини обдон аниқлаб олгунча, "кичик универсиада" юзага келишини таъкидлайди.

Бу ҳолат эса ўз-ўзидан спорт билан мунтазам шуғулланиш ва маҳоратни кундан-кунга тоблаб боришни талаб этади. Пойтахтимизда алоҳида эътиборга эга бўлган олий ўқув юртларидан бири Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидир.

"Универсиада" мусобақаларига бўлган тайёргарлик ва ҳал қилувчи паллада қатнашиш иштиёқи ЎзДЖТУ факультетларида таҳсил олаётган минглаб талабалар орасидан шаҳар босқичида иштирок этиш учун жами 122 нафар талаба саралаб олинди. Спортнинг 11 тури бўйича кечган баҳсларда кўплаб ноёб қирраларга эга бўлган спортчилар мураббийлар эътиборига тушди.

Фақатгина енгил атлетика бўйича мусобақалар ўтказилмади, ноқулай об-ҳаво шароити кўзда тутилиб, мазкур тур кўриги апрель ойига қолдирилди.

— "Универсиада — 2010" спорт мусобақаларининг финал босқичига йўлланмани қўлга киритиш, айниқса, Тошкент шаҳрида юзага келувчи 2-босқич синовларида яққол кўзга ташланади, — деди биз билан суҳбатда мазкур университетнинг жисмоний тарбия кафедраси мудири Мухтор Шоалимов. — Қарийб юртимизнинг энг кучли спортчи-ёшлари жамулжам бўлган майдондан ғолиб сифатида чиқишнинг ўзи катта бахт. Андижон сафари эса терма жамоани бирлаштиради. Университетимиз талабалари орасидан ҳозиргача сузиш, дзюдо, белбоғли кураш ва шахмат тури бўйича терма жамоа аъзолари мавжуд. Улар — рус тили филологияси 4-курс талабаси В.Солиҳова, 2-инглиз тили филологияси 3-курс талабаси Е.Маматқулова (сузиш бўйича), 1-инглиз тили филологияси 1-курс талабаси О.Йўлаҳшиев (дзюдо), 2-инглиз тили филологияси 2-курс талабаси Ғ.Йўлдошев (белбоғли кураш) ва Халқаро журналистика факультети 4-курс талабаси Т.Алиева (шахмат)лардир.

Айтиш жоизки, Т.Алиева шатранж бобида республика йўлланмасини қўлга киритиш жараёнида ўтказган жами тўққиз учрашувнинг бирортасида ҳам мағлубиятга учрамади. Е.Маматқулова эса сузиш борасида икки бора тенгсиз деб топилди: 50 метрга сузиш ва эркин сузишда 1-ўринга лойиқ ҳаракат қилиб, ўзига билдирилган ишончни оқлади.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ҚАМАШИНИНГ ЁШ ПОЛВОНЛАРИ

Ўзбек миллий кураши халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган энг кўҳна қадриятлардан бири саналади. Миллий спортимизнинг бу тури жаҳон миқёсига кўтрилиши полвонларимизни янада руҳлантириб юборди. Шаҳарлару узоқ-узоқ қишлоқларда миллий курашимизга нисбатан қизиқиш янада кучайди.

— Қамаши азал-азалдан Қашқадарё воҳасида ўзининг номдор полвонлари билан танилиб келган. Бу туманда тўй ва байрамлар ҳали-ҳануз катта-катта курашларсиз ўтмайди. Бугун ҳар бир мактаб ва ҳар бир коллежда, ҳатто болалар боғчаларида ҳам миллий кураш тўгараклари фаолият олиб бораяпти, — деди Қамаши қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи директори Али Анваров. — Коллежимизда 10га яқин спорт йўналишидаги тўгараклар мунтазам фаолият олиб боради. Бунинг учун зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ана шу спорт тўгараклари орасидаги нисбатни оладиган бўлсак, энг гавжуми миллий кураш тўгараги ҳисобланади. Ҳар бир машғулотда тўгарак аъзоларидан ташқари, яна қанча-қанчалаб кураш ишқибозлари ҳам иштирок этади. Улар орасида набираларини етаклаб келган нуроний отахонларни учратиб, ҳайратимиз ортади. Ҳа, халқимиз номдор полвонларини улуғлайди, тўй-маросимларда уларга нисбатан алоҳида эҳтиром кўрсатади.

Ушбу коллежда фаолият олиб бораётган миллий кураш тўгарагига миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони Ойбек полвон Юсупов раҳбарлик қилади. Тўгаракка қатнаётган 60 нафар ёш полвон 2та гуруҳга бўлиниб, ҳар ҳафтада 3 мартадан машғулотларда иштирок этади.

— Машғулотларда коллежимиз ўқувчиларидан ташқари, маҳалла болалари ҳам қатнашади, — деди Ойбек полвон. — Уларни маҳалла кайвониларининг тавсиялари билан қабул қилганмиз. Ҳамма шарт-шароитларимиз кўнгилдагидек яратиб берилган. Тўгарак қатнашчиларининг ҳам аксарияти полвонлар авлоди, шу йўналишда алоҳида иқтидорга эга бўлган болалар. Уларнинг кўпчилиги тўй ва байрамларда, туман ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда ўзларини кўрсатишаяпти. Ўтган ўқув йилида коллежимизнинг битирувчи курс ўқувчиси Илёс Файзуллаев ўз вазни бўйича аввал туман ва вилоятда 1-ўринни эгаллаб, миллий кураш бўйича республика биринчилигида ҳам фахрли ўринни эгаллади. У имтиёзли йўлланма билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга қабул қилинди. Яна бир шогирдим Нурбек Тўраев ҳам ўтган йили Шаҳрисабзда ўтган Амир Темур хотира турнирида фахрли 1-ўринни эгаллади. Термизда бўлиб ўтган Ат-Термизий хотира турнирида фахрли ўринни эгаллаб, у ҳам мазкур институтга имтиёзли тарзда қабул қилинди...

Ҳеч бир муваффақият меҳнатсиз қўлга киритилмайди. Шундай экан, белни маҳкам боғлаб, мустақил диёримизнинг довруғини дунёга ёйишдек муштарак орзу рўёби йўлида сидқидилдан хизмат қилишга тайёрмиз.

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил иш режасига асосан жорий йилнинг май ойида Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика марказида «Мактабгача таълим мазмунини такомиллаштириш муаммолари, ечимлари ва истиқболлари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан республика конференциясида иштирок этадиган барча педагог ходимлар юқоридаги мавзу бўйича тезисларни жорий йилнинг 1 мартига қадар ташкилий қўмитага юборишларини сўраймиз.

Тезисларга қуйидаги талаблар қўйилади:

— маъруза тезиси 3 бетгача бўлган ҳажмда тоза оқ қоғозда, 1 нусха;

— электрон нусхадаги тўпламга киритиладиган қўлёзмалар ягона талаб асосида, фақат «Times New Roman» uzbek шрифтида;

— қўлёзмалар нашр талабларидан келиб чиққан ҳолда 1,5 интервалда ўлчамлари А 4 форматда 210x297 мм;

— варақнинг ҳар икки томонидан 2 см. қолдирилиши шарт;

— тезис сарлавҳаси, муаллифнинг исми-шарифи, иш жойининг номи бир хил катталикда (14) қора шрифтда, вилоят(туман, шаҳар), иш жойи қисқа, аниқ тарзда берилиши;

— тезис мавзуси конференция йўналишига мос бўлиши лозим.

Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Зиё кўчаси, 6-уй.
Тел/факс: 8(371)246-98-04 E-mail: mtm_markaz@uzedu.uz

Sport darvozasi

БЕМОР «БАРСА»

ёхуд таъмирталаб "футбол машинаси"

2009 йилни бутунлай ўз фойдасига ҳал қилган буюк жамоалардан бири Каталониянинг "Барселона" футбол клуби Испания премьеросидаги дастлабки мағлубиятга учради. Бундай шов-шувли ғалаба Мадрид жамоасига насиб қилди. Фақат бу "Реал" эмас, балки ундан кўра кучсизроқ ҳисобланувчи клуб "Атлетико" бўлди.

1-бўлимнинг дастлабки 25 дақиқасида Хосеп Гвардиоланинг "фавқулод"да тузилган жамоаси ўз дарвозасидан икки маротаба тўп олиб чиқишга улгурди. Матчнинг 2-дақиқасидаёқ "Барса" навбатдаги катта йўқотишни кутиб олди: Сейду Кейта сафдан чиқди, унинг ўрнига шошилинч тарзда Педро туширилди. Орадан етти дақиқа ўтиб, Форлан "кўк-анорранглилар"ни доғда қолдирган бўлса, 23-дақиқада Симау яна бир карра Вальдес қўриқлаётган дарвозани ишғол этди. 27-дақиқада Ибраҳимович томонидан йўлланган ягона жавоб тўпи эса амалда "Барса"ни мағлубиятдан қутқариб қололмади. Буни "қувончли воқеа" сифатида баҳолаётганлар орасида "Реал" ярим ҳимоячиси К.Роналду ҳам бор, у журналистларга интервью бериб, ўз хурсандчилигини яширмаган. Боиси, ўйиндан ўйинга "очилиб" бораётган "қироллик клуби" пешқадам "Барселона" томон уч қадам ташлади. Орадаги фарқ энди бор-йўғи икки очкони ташкил қилаётир.

Аслида ҳаммаси «Хетафе»га қарши кечган оғир учрашувда бошланганди: ҳимоячилар Х.Пике ва Р.Маркеснинг майдондан четлаштирилиши Мадридда каталонияликларга қимматга тушди. Шу вақтга қадар барқарор ўйин кўрсатиб келаётган йигитлар бирйўла олти сафдошисиз майдонга тушишга мажбур бўлгач, "буюк тактика"га бироз ўзгартишлар киритилди. Даниэл Алвеш, Яя Туре, Эрик Абидал, Чигринский сингари асосий ҳимоячиларнинг жароҳати туфайли майдонда Пуйоль, Милито, Бартра ва Максвел тўртлиги ҳосил қилинди. Бироқ...

Бу ҳам етмагандек, мазкур учрашувда яқиндагина жароҳатдан қутулиб, катта футболга қайтган Сейду Кейта яна бир ҳафта даволанишга мажбур бўлди. Ачинарлиси, дунёнинг амалдаги энг яхши плеймейкери ҳисобланган Хави Эрнандес ҳам "Атлетико"га қарши 90 дақиқа ҳаракат қилмади, чунки у 78-дақиқада жароҳат олди ва шу билан ўйинни давом эттиролмади.

Сўнгги хабарларга кўра, Хави икки ҳафта даволанади. Бу 23 февраль куни Европа чемпионлари лигаси доирасидаги учрашув, аниқроғи, Германиянинг "Штутгарт" жамоасига қарши ўйин Хависиз ўтишини билдиради.

Шундай бўлса-да, "Барселона" клуби футболчилари заррача ҳам тушкунликка тушаётгани йўқ. Энг муҳими, Лионель Месси, Златан Иброҳимович, Андрес Иньеста, Пуйоль сингари ўйин тизгинини ўзи истаган томонга ўзгартиришга қодир футболчилар ҳамда ёш бўлишига қарамай, бир мавсумдаёқ энг юксак чўққига кўтарилган Пеп Гвардиола ҳали майдонда. "Тўғри, биз ноқулай рақибларимиздан бирига мағлуб бўлдик. Ҳеч кимга эътирозим йўқ. Вазият шуни тақозо қилди: бизга бироз вақт етишмади, холос. Бироқ бундан фожиа ясаш керак эмас. Назаримда, кураш давом этади, ҳали ҳамма қувончли кунлар олдинда. Шунчаки "Барселона" ўз ўйинини кўрсатса, бўлгани", — деди каталонияликлар устози.

"Барса" мухлислари диққатига: Алвеш, Туре, Абидал ва Чигринский тайёргарлик машғулотларида фаол қатнаша бошлаган. Пике ва Маркесни навбатдаги тур учрашувида асосий таркибда кўрсак, ажаб эмас. Демак, кайфиятни туширишга мутлақо асос йўқ, "Барса" албатта, тузалади!

Юнусобод тумани Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2006 йил 6 октябрдаги 002373-10 сонли реестр рақами билан давлан рўйхатидан ўтган "Тафаккур плюс" МЧЖнинг ҳуқуқий мақоми ва номи "Тафаккур нашриёти" Хусусий Корхонаси деб ўзгартирилганлиги маълум қилинади.

Маълумот учун телефонлар:
235-75-84, 230-51-84.

ВАНКУВЕР "ТОМОШАГОҲ"ИДАН ЭНГ ГЎЗАЛ ЛАҲЗАЛАР

Канаданинг Ванкувер шаҳри мезбонлик қилаётган 21-қишки Олимпия ўйинлари тобора ўзининг қизғин палласига кириб бораётир. Йирик спорт байрамининг очилиш маросимини ойнаи жаҳон орқали томоша қилган юртдошларимиз 21-асрга келиб спорт қанчалар нуфузга кўтарилганини ҳис қилган бўлишса, ажабмас.

"Бўйсундирилган" қорликлар ва юксак маҳорат билан бунёд этилган музликлар узра дунёнинг энг моҳир ва энг тажрибали спортчилари ўз омадларини синаб кўришмоқда. Уларнинг орасида аввал хабар берганимиздек, ўзбекистонлик уч нафар спортчи иштирок этмоқда.

Ҳозирга қадар тўплаган олтин, кумуш ва бронза медалларига қараб, кучли учликни Швейцария (3та олтин), АҚШ (2та олтин ва 2та кумуш) ва Жанубий Корея (2та олтин, 1та кумуш) спортчиларидан иборат терма жамоалар ташкил этиб турибди. Табиийки, пешқадамлик Олимпиада ўйинлари тугагунга қадар (ҳар куни) ўзгариб туради.

Мазкур нуфузли мусобақаларга энг катта делегация сифатида ташриф буюрган Россия терма жамоаси эса кутилган натижаларни ҳали қўлга киритгани йўқ. Қишки Олимпиада бошланишидан олдин камида 30та медални режалаштирган руслар фақатгина 1та бронзага эга (19-ўрин) бўлиб турибди.

Бугун қишки Олимпиаданинг 6-кунида тоғ чанғиси спорти, конькида югуриш, чана спорти, сноубординг ва шорт-трек бўйича 1тадан, чанғи учиш бўйича эса 2та олтин медаль соҳиблари аниқланади. Биз сизларнинг эътиборингизга Ванкувер "томошалари"дан фотокамералар ёрдамида "ушлаб" олинган энг ажойиб лаҳзаларни ҳавола этаётирмиз.

З.ХОЛОВ





Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir vazifasini vaqtincha bajaruvchi:
Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay'ati: Rustam AHLIDINOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Abdusamat RAHIMOV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-122.
Tiraji 46517.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Hulkar TO'YMANOVA.

Navbatchi:
Dilshod KARIMOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.
Ⓜ *belgisi ostida reklama materiallari beriladi.*

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
ЎзА якуни — 21.00

1 345